

БАНК АХБОРОТНОМАСИ

БАНК ХОДИМЛАРИ ВА ТАДБИРКОРЛАРНИНГ ҲАФТАЛИК НАШРИ № 51-52 (1230-1231) 2019 ЙИЛ 26 ДЕКАБРЬ

Газета 1995 йил январдан бошлаб нашр этилмоқда

ISSN 2010-6602

t.me/financeuz

Сайтимга ўтиш учун QR кодни телефонингиз орқали сканер қилинг



ЎЗБЕКИСТОН “ЙИЛ МАМЛАКАТИ” ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

Британиянинг “The Economist” нашри анъанавий тарзда ҳар йили демократия соҳасида энг катта ютуқларга эришган давлатни “Йил мамлақати” деб эълон қилади.

Мукофотнинг рейтинг кўрсаткичларида инсон яшаши учун қулай мамлакат номидан энг қашшоқ, ривожланишдан ортда қолган ва сиёсий инқирозга учраган давлатлар номи қайд этилади.

Мукофотнинг бу йилги умумий таҳлилий ҳисоботида дунё мамлакатлари ўртасида миллатлар ва динлар ўртасидаги кучли зиддиятлар ҳукмронлик қилгани қайд этилган.

Нашрда, шунингдек, Ўзбекистонда мажбурий пахта теримини бекор қилиниши ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимида амалга оширилаётган ислохотлар юқори баҳоланган.

“Ўзбекистонда мажбурий меҳнатга барҳам берилиши, минтақадаги энг катта қамқоқхонанинг ёпилиши, хорижий журналистларнинг мамлакатга киришига кенг имкониятлар яратилганлиги ва кўшни давлатлар билан алоқани яхшилашда қатор чегара пунктларини очилиши ушбу мамлакатнинг “Йил мамлақати” мукофотиغا сазовор бўлишига асос бўла олади”, дейилади “The Economist” нашрида.

ЎЗА



“МИКРОКРЕДИТБАНК”: УЛКАН МУВАФФАҚИЯТЛАР ОЛДИНДА

“Микрокредитбанк” акциядорлик тижорат банки республикаимиз иқтисодиётида ўз ўрнига эга молия муассасаларидан бири ҳисобланади. Бинобарин, мазкур банк томонидан кўрсатилаётган хизмат ва ажратилаётган маблағлар эвазига жойларда кўплаб тадбиркорлик субъектлари пайдо бўляптики, натижада аҳоли бандлиги таъминланиб, турмуш даражаси тобора яхшиланмоқда.

(Давоми 6-саҳифада)

МИКРОКРЕДИТБАНК



САЙЛОВ НАТИЖАЛАРИ ҚАНДАЙ БЎЛДИ?



Халқаро матбуот марказида сайлов натижаларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов 2019 йил 22 декабрь куни Ўзбекистонда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, маҳаллий кенгашларга сайловлар демократик талаблар асосида бўлиб ўтганини қайд этди.

Сайловга икки йил мобайнида тайёргарлик кўрилгани, қонунчилик халқаро талаблар асосида такомиллаштирилгани, сайловда очиқликни таъминлаш учун барча шароитлар яратилгани тадбирнинг юқори савияда ташкил этилишида муҳим роль ўйнади.

Энг муҳими, фуқароларнинг жамиятда кечаётган ўзгаришларга дахлдорлик туйғуси ошгани, фаол фуқаролик позицияси шаклланиши бутун сайлов жараёнларида яққол сезилиб турди.

Сайловчиларга овоз бериш учун барча шароитлар таъминланди. Хориждаги юртдошларимизга максимал қулайликлар яратилди. Илгари консуллик рўйхатида турганларгина овоз берган бўлса, бу сафар барчага овоз бериш имкони берилди. Қирққа яқин мамлакатда ташкил этилган эллик бешта сайлов участкасида 112 минг 411 сайловчи овоз берди.

Куни кеча сайловда 71,1 фоиз сайловчи иштирок этгани маълум қилган эдик.

(Давоми 3-саҳифада)

Кириб келаётган
Янги йилингиз билан!



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СУВЕРЕН КРЕДИТ РЕЙТИНГИ “БАРҚАРОР”

Яқинда “S&P Global Ratings” агентлиги Ўзбекистон Республикаси суверен кредит рейтингини бўйича ўзининг навбатдаги ҳисоботини эълон қилди. Унга кўра, агентлик мамлакатимиз суверен кредит рейтингини “ББ-” (“Барқарор”) даражасида сақлаб қолди.



Ўзбекистон Республикаси суверен кредит рейтингини баҳолашда унинг:

• Ташқи кредитор позицияси ва паст даражадаги давлат қарзи юки республиканинг кучли тарафи дея қайд этилган;

• Аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулотнинг (ЯИМ) камлиги ва пул-кредит сиёсатининг паст даражадаги мослашувчанлиги мамлакатнинг суверен рейтинг кўрсаткичини ошишини чекловчи омиллар сифатида келтирилган. Таъкидланишича, қарорлар қабул қилиш жараёни марказлашган бўлиб, институтлар ўртасидаги ҳисобдорлик ва бир-бирини назорат қилиш тизими етарли даражада ривожланмаган.

Кўйидагилар келгусида мамлакатимиз кредит рейтингига ижобий таъсир этувчи омиллар сифатида санаб ўтилган:

• Мамлакатимизнинг глобал иқтисодиётга интеграциялашуви ва давлат улушига эга корхоналар ислохоти натижасида иқтисодиётнинг ўсиш салоҳияти ва барқарорлигининг яхшилланиши;

• Диверсификациялашган давлат бюджети даромадлари базаси ва экспорт таркиби.

Шу билан бирга, қўйидаги омиллар республиканинг кредит рейтингини баҳолашга салбий таъсир этувчи омиллар сифатида келтирилган:

• Юқори импорт ва жорий ҳисоб операцияларининг бундан кейин ҳам қарз ва хорижий валюта резервлари ҳисобига молиялаштирилиши натижасида фискал ва ташқи баланснинг сезиларли даражада ёмонлашуви;

• Давлат улушига эга асосий корхоналар ҳолатининг ёмонлашуви натижасида шартли мажбуриятларнинг ортиши.

Шунингдек, агентлик мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислохотларга ўз фикрини билдирган. Хусусан:

1) Кенг қамровли сиёсий ислохотлар республикадаги институтларни яхшилагани ва иқтисодиётнинг очиқлигини таъминлагани айtilган;

2) Ҳукумат институционал ислохотларда муваффақиятга эришаётгани эътироф этилган;

3) Давлат улушига эга корхоналар ислохотининг бошланиши “муваффақиятли” дея таърифланиб, уларнинг фаолиятини модернизация қилиш ва харажатларини қоллай олиш даражасига етказиш республиканинг иқтисодий ўсишига замин бўлиши таъкидланган;

4) Банк сектори ислохоти Ҳукумат кун тартибидagi 2017 йилги иқтисодий ислохотлардан кейинги йирик ислохот сифатида қайд этилган. Таъкидланишича, банк сектори ислохоти иқтисодиётдаги долларлашув даражасини псайтиришга ва пул-кредит сиёсати самарадорлигини оширишга хизмат қилади;

5) 2019 йилги солиқ ислохоти солиқ базасини кенгайтиришга ва солиқларнинг йиғилиши даражасини оширишга олиб келиши мумкинлиги айtilган.

Шу билан бирга, мамлакат учун давлат улушига эга корхоналар ислохоти ва тўғридан-тўғри инвестициялар ҳажмини ошириш Ҳукумат олдидаги муҳим вазифа бўлиб қолаётганига ургу берган.

Реклама

TURON BANK

«Туронбанк» АТБ жамоаси жонажон халқимизни кириб келаётган янги 2020 йил билан самимий муборакбод этади.

Юртимиз равнақи ва фаровонлиги йўлида амалга ошираётган барча эзгу ишларингизга улкан зафарлар тилайди. Азиз юртдошлар, тинчлик-хотиржамлик ва саодатли кунларимиз барчамизни ҳеч қачон тарк этмасин!

Байрам муносабати билан миллий ва хорижий валютада пластик карталарни таклиф этади

Туронбанк - Барқарорлик белгиси!

☎ 99895 144-60-00

www.turonbank.uz

Хизматлар лицензияланган

Бошланиши 1-саҳифада)

Овозларни санашдан кейинги аниқ ҳисоб-китобларга кўра, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари сайловларида 13 миллион 963 минг 627 нафар сайловчи иштирок этган. Бу сайловчилар умумий сонининг 67,8 фоизидир.

Сайлов давом этаётган пайтда турли масалаларда аҳолидан мурожаатлар тушиб турди. Хусусан, МСК веб-сайтига келиб тушган 300 тадан ортиқ мурожаатлар қисқа муддатларда кўриб чиқилди ва ҳал этилди. Шу билан бирга, ижтимоий тармоқларда қолдирилган мурожаатларнинг 150 таси ҳам ижобий ҳал этилди. Ушбу мурожаатлар бўйича сайловчини бошқа сайлов участкасидан олиб, ўз участкасига бириктириш каби ишлар амалга оширилди.

Дастлабки маълумотларга кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи 150 сайлов округининг 128 тасида депутатлар сайланди.

Шу жумладан, Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан – 43 нафар, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясидан – 35 нафар, Ўзбекистон "Адолат" социал-де-

САЙЛОВ НАТИЖАЛАРИ ҚАНДАЙ БЎЛДИ?

мократик партиясидан – 21 нафар, Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан – 18 нафар, Ўзбекистон Экологик партиясидан – 11 нафар депутат сайланди.

Сайлов кодексига кўра, овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг ярмидан кўпининг овозини, яъни 50 фоиздан ортиқ овоз олган номзод депутат этиб сайланган, деб ҳисобланади.

Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи 22 округларда номзодларнинг биронтаси ҳам етарли миқдорда овоз ололмаганлиги сабабли мазкур округлардан депутат сайланмади. Мазкур округларда такрорий овоз бериш жараёни ташкил этилади.

Эътиборлиси, Ўзбекистонда ўтган сайлов жараёнларини халқаро кузатувчилар, жаҳон жамоатчилиги шаффоф тарзда, демократик талаблар асосида ўтганини эътироф этмоқда.

ЎЗА

Бундан бир неча ўн

йиллар аввал дунё аҳолиси sanoat тармоқларини ривожлантириб, эхтиёжларни қондириш учун муносиб шароит яратиш устида тиним билмай меҳнат қилган бўлса, ҳозирга келиб кўпроқ тўғри ҳаёт кечириб, соғлом турмуш тарзини юритиш устида бош қотиришмоқда. Бунда эса, албатта кундалик овқатланиш, яъни зарарли моддалардан воз кечиш, фойдали маҳсулотларни истеъмол қилишга асосий эътибор қаратиляпти.

**ТАДБИРКОРЛИК**

“Туронбанк” АТБ кредити эвазига харид қилинган технология асосида йилига бир миллион дона товуқ етиштирилмоқда

Жаҳон диетологларининг фикрича, бу борада ҳар кунимиз учун жуда ҳам зарур бўлган маҳсулотлардан тухум, енгил ҳазм бўлувчи парранда гўштларининг ўрни аҳамиятли экан. Сабаби, ушбу табиат инъомлари озукавий қиймати юқорилиги ва пархезбоплиги билан инсон организми учун керакли ҳисобланади. Мамлакатимизда мазкур паррандачилик соҳасини ривожлантириш ва экспортга мўлжалланган тайёр товарлар ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, турларини кенгайтириш, шунингдек, аҳолини маҳаллий ишлаб чиқарилган арзон маҳсулотлар билан таъминлаш йўлида қатор самарали ишлар амалга оширилмоқда.

Экологик тоза ва тўйимли маҳсулотлар ишлаб чиқариб, агросаноат тармоғи ривожига ўз ҳиссасини қўшиш ниятида бўлган ишбилармонларни эса, “Туронбанк” АТБ сифатли ва тезкор молиявий хизматлари билан қўллаб – қувватлаб келмоқда. Сўзимизнинг тасдиғи сифатида, Навоий вилояти Кармана туманида жойлашган “Karmana Golden Eggs” МЧЖ-ни келтиришимиз мумкин. 2017 йилда фаолият бошлаган корхона аҳоли хонадонлари ва паррандачилик корхонала-


рига 90 кунликкача бўлган тухумли жўжаларни етказиб бериш билан шуғулланади. Айни пайт у ерда 250 минг бош парранда боқилаётган бўлиб, йилига бир миллион дона товуқ етиштирилмоқда. Бунда эса, молия муассасаси ажратган 3,8 млрд. сўмлик кредитнинг ўрни аҳамиятлидир. Сабаби, унинг эвазига Туркия давлатидан энг сўнгги русумдаги замонавий ускуналар олиб келинди ва ишлаб чиқариш ҳажми бир неча баробар ошди.

– Бугунги кунда фабрика-мизда “Lohmann Sandy” ва “Lohmann Brown” зотли оқ ҳамда жигарранг товуқлар етиштирилмоқда. Фаолият бошлаган вақтимиз фақатгина Навоий вилояти аҳолиси ва паррандачилик билан шуғулланувчи корхоналарга товуқларни етказиб берган бўлсақ, ҳозирда Тошкент вилояти, Фарғона, Жиззах, Самарқанд, Бухоро, Сурхондарё, Хоразмдаги ишбилармонлар ҳам бизнинг маҳсулотларимизни харид қилишмоқда. Бунда эса “Туронбанк” АТБ-нинг ҳиссаси жуда катта. Улар томонидан берилган молиявий кўмак эвазига олиб келинган технологиялар асосида биз замонавий иш жараёнини йўлга қўйдик. Келгусида 42

гектарлик майдонимизда sanoat усулида товуқ боқиш ва тухумларни тайёрлашни режалаштиряпмиз. Бу бўйича ҳам молия муассасаси билан ҳамкорлик қилишни кўзлаганимиз. Асосий мақсадимиз парранда наслчилигини яхшилаш ҳамда маҳсулотлар ишлаб чиқариш сифатини оширишдан иборатдир. – деди “Karmana Golden Eggs” МЧЖ раҳбари Азиз Суванов.

Статистик маълумотларга қараганда, бугунги кунда юртимизда 81 миллиондан зиёд парранда боқилаётган бўлиб, уларнинг сони охириги 3 йилда 1,3 бараварга кўпайган. Тухум ва парранда гўштини етказиш ҳам мутаносиб равишда ўсиб бормоқда. Бу борадаги рақамларни аҳоли жон бошига тақсимлайдиган бўлсақ, мамлакатимизда тухум етиштириш киши бошига 228 донага, парранда гўшти ишлаб чиқариш эса 6 кг.га тўғри келмоқда. Мазкур иқтисодий ҳажмларни янада ошириш, сифат ва нарх барқарорлигини сақлаб қолиш мақсадида “Туронбанк” АТБ ҳам ишбилармонларга яқиндан кўмак берапти. Зеро, мамлакатимизни бугун ўзимиз ривожлантирмасак, четдан келиб ҳеч ким бу ишни амалга оширмайди.

Банк Ахборот хизмати



2019 ЙИЛ ЯКУНИ БЎЙИЧА КУТИЛАЁТГАН МАКРОИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАР

I. 2019 йил якунлари бўйича дастлабки баҳоларга кўра, Ўзбекистон Республикаси ялпи ички маҳсулоти 5,5 фоизга ўсиб (2018 йилда 5,1 фоиз), 524,0 трлн. сўмни (58,3 млрд. долларни) ташкил этиши кутилмоқда.

Иқтисодий ўсишга асосан ички омиллар, хусусан, ялпи ички талабнинг ортиши таъсир кўрсатмоқда.

2019 йилда ялпи ички талабнинг ортишини қуйидаги омиллар билан изоҳлаш мумкин:

а) Иқтисодиётга капитал қўйилмалар ҳажми 28,6 фоизга ўсиши кутилмоқда, жумладан:

– марказлашган давлат инвестициялари 52,3 трлн. сўмни ташкил этиб (Давлат бюджети, Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси, ҳукумат ва унинг кафолати остида жалб қилинган кредитлар) 2018 йилга нисбатан 23 фоизга ўсиши кутилмоқда;

– тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқими сезиларли ўсиб, 2,0-2,5 млрд. АҚШ долларига этиши кутилмоқда;

б) Экспансион фискал сиёсат олиб борилмоқда ва натижада консолидациялашган бюджет дефицити (давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари билан биргаликда) ялпи ички маҳсулотга нисбатан 1,3 фоизни (2018 йилда 0,5 фоиз профит) ташкил этиши кутилмоқда;

в) Уй-ўжаликлари реал даромадларининг ўсиши кутилмоқда (2019 йилда 8 фоиз) ва бунга қуйидаги омиллар сабаб бўлмоқда:

– давлат секторига иш ҳақининг сезиларли даражада ошиши;

– жисмоний шахслар даромад солиғи ставкасининг 12 фоизга кескин пасайтирилиши;

– иқтисодиётдаги умумий иш ҳақи даражасининг ўсиши.

г) Иқтисодиётга кредитлар ҳажмининг 44 фоизга ўсиши кутилмоқда (2018 йилда 50,2 фоизга ўсган).

Шу билан бирга, айрим йирик савдо ҳамкор-мамлакатларимизда иқтисодий ўсиш суръатларининг секинлашуви ҳамда баъзи экспорт хомашё товарлари жаҳон нархларининг пасайиши натижасида ташқи бозор динамикасининг нисбатан пастлигининг сақланиши кутилмоқда.

Ялпи ички тақлиф тарафдан, иқтисодий ўсиш омиллари бўлиб қурилиш (йиллик ўсиш суръати 11,8 фоиз), sanoat ишлаб чиқариши (6,4 фоиз), хизматлар (6,1 фоиз) ҳамда қишлоқ ҳўжалиги, ўрмончилик ва балиқчилик соҳалари (3,0 фоиз) бўлиши кутилмоқда.

II. 2019 йилда инфляция даражаси 15,5 фоиз атрофида бўлиши кутилмоқда (2018 йилда 14,3 фоиз). Шунингдек, инфляцияни яшилтириш мақсадида 2020 йилдан бошлаб кредитлар ҳажмининг ЯИМнинг номинал ўсишидан кўп бўлмаган миқдорда ўсишини таъминлаш чоралари кўрилмоқда;

III. Жорий ҳисоб операциялари манфий салдоси 6,5-7,0 фоиз атрофида бўлиши кутилмоқда (2018 йилда 7,0 фоиз);

Ташқи савдо айланмаси ҳажми 41,5 млрд. долларни (ўсиш суръати 24,1 фоиз – 2018 йилда 33,4 млрд. долл.), жумладан, экспорт – 18,0 млрд. долларни (Қ28,7 фоиз), импорт – 23,5 млрд. долларни (Қ20,9 фоиз) ташкил этади;

IV. Олтин-валюта захиралари 27,7 млрд. АҚШ долларига етиши кутилмоқда (2018 йил якунида 26,4 млрд. АҚШ долларни ташкил этган);

V. Давлат ташқи қарзи 15 млрд. АҚШ долларини ёки ялпи ички маҳсулотга нисбатан 25,8 фоизни ташкил этиши кутилмоқда (2018 йилда 9,9 млрд. АҚШ долларини ёки ЯИМга нисбатан 19,6 фоизни ташкил этган).

Шунингдек, 2020 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг “2020 йил учун Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни доирасида Ҳукумат номидан ва унинг кафолати остида имзоланадиган ташқи қарз битимларини 4 млрд. АҚШ доллари қийматида қеклаш назарда тутилган.

Finance.uz



ХУДУДЛАРДА САВДО ЯРМАРКАЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Мамлакатимизда Янги йил байрами муносабати билан барча ҳудудларида бўлгани каби Урганч шаҳрида ҳам аҳоли гавжум жойларида қишлоқ хўжалик ва озиқ-овқат маҳсулотларининг савдо ярмаркалари ташкил этилди.

Айниқса Урганч шаҳрида жойлашган Марказий деҳқон бозори олдида ташкил этилган ярмаркада барча турдаги маҳсулотлар бўлиб, кўплаб қайта ишлаш корхоналари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик ҳамда асаларичиликка ихтисослашган хўжаликлар, деҳқонлар турли хил озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан аҳолига хизмат кўрсатмоқдалар. Ярмаркада 30 дан ортиқ турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари аҳолига бозорга нисбатан арзонлиги билан манзур бўлмоқда, деб хабар бермоқда Урганч шаҳар ахборот хизмати.



– Байрам олдида бундай савдо ярмаркаларининг ташкил этилиши, аҳолининг дастурхони тўкин-сочин бўлишини таъминлайди. Аҳолига яратилаётган бундай қулайликлар учун Давлатимиз раҳбарига, ташкилотчиларга, ўз маҳсулотларини арзон нархларда сотаётган фермерлар ва тадбиркорларга ўз миннатдорчилигимни билдираман, – дейди “Испомобод” маҳалласида яшовчи Зухра Маткаримова.

Ярмаркаларга маҳсулотларнинг узлуксиз таъминлаш учун таъминотчи корхоналар, агрофирма ва фермер хўжаликлари бириктирилган. Ҳар бир ажратилган савдо расталари ҳўл мевалар, полиз экинлари, гуруч, тухум каби истеъмолбоп маҳсулотларга тўлдирилиб, байрамона безатилган.

Янги йил байрам ярмаркаси 2020 йилнинг 5 январь кунига қадар давом этади.

ЎЗА

ИНВЕСТИЦИОН ЖОЗИБАДОРЛИКНИ ОШИРИШ ВА ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИХАЛАРНИ МОЛИЯЛАШ ЙЎЛИДА



Жорий йилнинг 24 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги биносида “Агробанк” АТБ томонидан инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш ҳамда хорижий кредит линияларини жалб этиш борасида олиб борилаётган ишлар” мавзусида матбуот анжумани ўтказилди. Унда “Агробанк” АТБ Бош офисининг раҳбар ва ходимлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Матбуот анжуманида таъкидландики, бугунги кунда банк томонидан нафақат аҳоли ва мижозларга тезкор, ишончли, замонавий банк хизматлари кўрсатилмоқда, балки йирик тадбиркорлик субъектларининг истиқболли, инвестицион ва экспорт-боп маҳсулотлар тайёрлашга йўналтирилган лойиҳаларини молиялаштиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Хусусан, банк томонидан инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш ҳамда хорижий кредит линияларини жалб этиш борасида 2019 йилнинг ўтган даврида республикамиз ҳудудларидаги тадбиркорлик субъектларининг истиқболли лойиҳаларини молиялаштириш учун жами 3,9 триллион сўм миқдоридан инвестиция кредитлари ажратилиб, бугунги кунда инвестиция мақсадлари учун йўнатилган кредит қўйилмасининг қолдиги 6,9 триллион сўмни ташкил қилмоқда.

Банк томонидан 2019 йилнинг ўтган 11 ойи мобайнида йўналтирилган 3,9 триллион сўм миқдоридан инвестиция кредитларининг 48 фоизи санаотга, 14 фоизи қишлоқ хўжалигига, 5 фоизи ижтимоий таъминот ҳамда иқтисодиёт тармоқларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва бошқа соҳаларга ҳамда 33 фоизи курилиш, транспорт-коммуникация тармоқларини кўллаб-қувватлашга йўналтирилган.

Маълумот ўрнида таъкидлаш зарурки, жорий йил давомида банк томонидан йирик инвестиция лойиҳаларига хусусан, тўқимачилик, тикув-трикотаж саноати йўналишида ҳам кенг қўламли саъй-ҳаракатлар олиб борилди.

Жумладан, Қашқадарё вилоятидаги “Китоб ип йигирув” АЖнинг қиймати 27 миллион АҚШ долларлик, йилига 38 миллион АҚШ доллари миқдоридан 11 минг 200 тонна калава ип ва 10 миллион погонметр ёки 15 миллион АҚШ доллари миқдоридан тайёр мато маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган лойиҳаси молиялаштирилди.



Шунингдек, Бухоро вилоятидаги “Вобкент тола кластер” МЧЖнинг қиймати 25 миллион АҚШ долларлик, тўқимачилик кластер фаолиятини ташкил қилиш учун Германиянинг “Тручлер” компаниясининг йилига 9900 тонна ёки 30,7 миллион АҚШ доллари миқдоридан калава ип ишлаб чиқаришга қаратилган лойиҳасига кредит ажратилди.

Бундан ташқари, Тошкент вилоятидаги “Максим голд текс” МЧЖнинг қиймати 9 миллион АҚШ доллари миқдоридан йилига 9300 тонна ёки 15 миллион АҚШ доллари калава ип ишлаб чиқаришга қаратилган лойиҳаси молиялаштирилди.

“Агробанк” АТБ томонидан

эркин иқтисодий зоналардаги экспортга йўналтирилган инвестиция лойиҳаларини кўллаб-қувватлаш бўйича ҳам ишлар олиб борилмоқда.

Бу борада “Сирдарё” эркин иқтисодий зонасида жойлашган “Сирдарё мега люкс” МЧЖ мисолида кўришимиз мумкин. Ушбу корхонанинг умумий қиймати 60 миллион Евро миқдоридан полипропилен гранулалардан йилига 25,5 минг тонна биоаксал плёнка ишлаб чиқаришга қаратилган лойиҳаси молиялаштирилди.

Мазкур ишлаб чиқариш корхоналарининг бизнес лойиҳаларининг ҳаётга тадбиқ этилиши натижасида жойларда кўплаб янги иш ўринлари яратилиши билан бир қаторда, у ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни экспортга ҳам йўналтирилмоқда.

ҳалқаро молия институтлари билан ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш ва кредит линия маблағларини жалб этиш борасида кенг қўламли ишлар олиб борилмоқда.

Ҳозирги кунда Агробанк 12 дан ортиқ хорижий банклар билан вакиллик алоқалари ҳамда 10 дан зиёд халқаро молия институтлари билан кредит линия маблағларини жалб қилиш бўйича ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйган.

Хусусан, банк томонидан Германиянинг “Коммерц-Банк”и (Commerz Bank AG) “Юникредит банки” (UniCredit Bank AG), “ДЗ банки” (DZ Bank AG) ва “Ландесбанк”лари (LandesBank Berlin AG), Австриянинг “Раифайзен банк”и (Raiffeisen Bank International), Жанубий Кореянинг “КЭБ Хана банк”и (KEB Hana Bank) ҳамда Россиянинг 4 та (Сбербанк, Азия-инвест банк, ВТБ банк, Промсвязбанк) йирик банклари билан ўзаро алоқалар ўрнатилган.

Агробанк томонидан 2018 йилда хорижий кредит линия маблағларини жалб қилиш бўйича Туркиянинг Зираат банки билан 20 миллион АҚШ доллари ва Хусусий секторни ривожлантириш бўйича Исплом корпорацияси билан 10 миллион АҚШ доллари, жами 30 миллион АҚШ доллари миқдоридан кредит линия маблағлари жалб қилинган бўлса, 2019 йилнинг 11 ойи давомида 100 миллион АҚШ доллари миқдоридан маблағлар жалб қилинди ва ушбу маблағлар ҳисобидан 40 тайдан ортиқ инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтирилди.

Хусусан, жорий йилда Германиянинг Ландесбанк Баден-Вуттемберг билан 42 миллион АҚШ доллари, Коммерцбанки билан 25,7 миллион АҚШ доллари, Хитойнинг Эксимбанки билан 20 миллион АҚШ доллари ва Хусусий секторни ривожлантириш бўйича Исплом корпорациясидан 6,1 миллион АҚШ доллари миқдоридан маблағлар жалб қилинди.

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг суверен облигацияларини жойлаштириш ҳисобидан келиб тушган маблағлар ҳисобидан 30 та инвестиция лойиҳаларига 110 миллион АҚШ доллари миқдоридан кредитлар ажратилди.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш ҳамда халқаро инвестицияларни кенг жалб этишга қаратилган эътибор, аввало, аҳоли учун қулай шарт-шароитлар яратиш билан бир қаторда халқимизнинг турмуш фаровонлигини яхшилашдан иборатдир.

Хайрулла ХОЛТЎРАЕВ “Агробанк” АТБ Матбуот хизмати ходими



УСТОЗЛАР ҚУТЛОВИ



25 йилдирки, "Трастбанк" хусусий акциядорлик банки жамоаси доимо мижозлар манфаати ва ишончи учун ҳаракат қилиб, уларнинг доимий ҳамкорига айланди. У ўзининг фаолияти давомида Ўзбекистон молия бозорида самарадорлиги, профессионаллиги ва мулоқотга доимо тайёрлиги билан ажралиб турди. Банк жамоаси ҳар доим жамиятни янада бой қилиш, юрт равнақиға ҳисса қўшиш ва мижозлар меҳрини қозонишни ўзининг устувор вазифаларидан деб билди.

Янги йил байрами шукуҳи арафасида "Трастбанк" хусусий акциядорлик банки жамоаси номидан, Банк акциядорлари ва мижозларини, қолаверса ҳамкорлар ва суверен Ўзбекистоннинг барча аҳолисини яқинлашиб келаётган янги 2020 йил билан самимий табриклайман!

Барчага бахт ва омад ёр бўлишини, ҳар бир хонадонда хотиржамлик ҳукм суришини тилайман!

Сурайё УРМАНОВА
"Трастбанк" хусусий акциядорлик банки стратегик ривожлантириш департаменти директори

25 ЙИЛ ЭЛ ХИЗМАТИДА



ҳолатига кўра, 1 729 млрд. сўм кредит маблағларини иқтисодиётимизнинг реал секторини молиялаштириш мақсадларига йўналтирилди.

Шунингдек, жорий йил давомида банк томонидан хорижий инвестицияларни жалб қилиш, халқаро молия муассасалари ва жаҳоннинг нуфузли банклари билан ҳамкорликни мустақамлаш бўйича ҳам қатор ютуқларга эришилди. Хусусан, узоқ муддатга, фақат иқтисодиётнинг стратегик тармоқларини модернизация қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича инвестицион лойиҳаларини молиялаштириш учун жами 11 млн. АҚШ доллари жалб қилинди. Бугунги кунда бу йўналишдаги барча лойиҳалар маъқулланган ва молиялаштирилган бўлиб, уларни ишга тушириш бўйича амалий чоралар кўрилмоқда.

Республикамиз банк тизимида олиб борилган улкан ислохотлар хусусий банкларнинг тез суръатларда ривожланишига, даромадларининг ошишига, янгидан-янги марраларни забт этишига имконият яратди. Ана шу жараёнда "Трастбанк" хусусий акциядорлик банки ҳам барқарор тараққий этиб, мижозлар ишончини қозониб келмоқда.

Мазкур молия муассасасининг ташкил этилганига бу йил 25 йил тўлди. Шу йиллар мобайнида банк кўллаб ютуқларга эришиб, юртимиз хусусий банклари орасида ўз нуфузини янада мустақамлади.

Биз "Трастбанк" хусусий акциядорлик банки фаолиятига тўхталиб ўтиш мақсадида, Банкнинг Иқтисодий таҳлил ва статистика департамент директори Милёуша Мухаммедярова билан суҳбатлашдик.

– 2019 йил ҳам банкимиз учун жуда омадли келди, деб бемалол айта оламан. Чунки соҳада олиб борилган ислохотлар ўз самарасини бериб, даромадимиз ҳам, мижозларимиз сони ҳам, қолаверса кредит портфели ва молиялаштириш йўналишлари ҳам бир неча баробарга ортди. Келинг, бу натижаларни рақамларда асосласан.

Жумладан, жорий ҳолатда банк активлари 3 407 млрд. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 829 млрд. сўмга ёки 32 фоизга ошишига эришди. Активлар даромадлиги 7,8 фоизга, капитал рентабеллиги 59 фоизга ўсиб, банкнинг жами капитали 495 млрд. сўмга етди. Бу ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 184 млрд. сўмга ёки 59 фоизга ошганлигини билдиради. Аҳоли омонатлари қолдиғи ҳам 351 млрд. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 112 млрд. сўмга ёки 47 фоизга ошган.

Шу билан бирга банк активларининг 49 фоизини кредит портфели ташкил этиб, 2019 йилнинг 1 декабр ҳолатига у 1 688 млрд. сўмга етди. Бу эса, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 390 млрд. сўмга ёки 30 фоизга ортганини кўрсатади.

Бундай молиявий кўрсаткичлар банкимизга кўллаб соҳалар маблағларни йўналтириш имкониятини бермоқда. Жумладан, жорий йил 1 декабрь

Бундан ташқари, жорий йил давомида аҳолига кенг қўлайликлар яратиш, янги банк хизматларини ташкил этиш борасида катта ишлар қилинганини қайд этиш даркор. Аввало, тизимда илғор ахборот-коммуникация технологияларини кенг татбиқ этиш орқали банк хизматлари кўламини кенгайтириш ва сифатини ошириш, шунингдек, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини кенгайтириш бўйича қатор ишлар олиб борилиб, мижозлар учун қўлай бўлган янги банк хизматлари жорий этилди. Бу эса ўз навбатида банк мижозларининг ортишига ва даромадларининг ўсишига ҳам хизмат қилмоқда.

Шунингдек, бу борада муассасада узоқ муддатли йўл харитаси тасдиқланган бўлиб, у асосида йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда. Жумладан, ўтган йиллар давомида Жиззах вилоятида янги филиал ишга туширилди ва Бухоро вилоятида ҳам филиалимиз яқин кунларда ишга тушиш арафасида турибди. Айримлари эса қайта таъмирланди, мини-банкларимиз эса замонавий қиёфага келтирилиб, "Банк хизматлари марказ"ларига айлантирилмоқда. Шунингдек, филиалларга кўп вазифаларни бажарувчи банкоматлар ўрнатилмоқда. Айни дамда барча филиаллар қошида 24/7 тизимида куну-тун ишловчи офислар жорий этилган.

Бу каби саъй-ҳаракатларимизни 2020 йилда ҳам давом эттириб, мижозларимиз учун янада қўлай бўлган банк хизматларини жорий этиш ниятидамиз.

Шу фурсатдан фойдаланиб, барча юртдошларимизни, Ўзбекистон банк соҳаси вакилларини ва қолаверса, "Трастбанк" мижозларини кириб келаётган янги – 2020 йил билан чин юракдан муворабот этаман. Янги йилда барқарорлик ва ишонч доимий ҳамроҳингизга айлансин. Янги йил барчамизга омадли ва баракали келиб, янгидан-янги стратегик ҳамкорлик алоқалар ўрнатувчи улкан муваффақиятлар йили бўлсин.

Рустам ПЎЛТАОВ
тайёрлади.

БОЛАЖОНЛАРГА ҚУВОНЧ УЛАШГАН БАЙРАМ



Янги йил – нафақат болалар, ҳатто катталар ҳам ниятлари ижобат бўлишига ишонадиган эртақмонанд байрам. Лекин у айниқса болажонларга катта қувонч улашади. Ахир бу кунда улар болалик аталмиш эртақнинг бош қаҳрамони – Қорбобо билан учрашади-да!

Айнан ана шундай эртақмонанд байрам кунлари арафасида болажонларнинг Янги йил байрами тантаналарининг янада мазмунли ва қизиқарли ўтказилиши учун "Трастбанк" хусусий акциядорлик банки жамоаси ҳам ўз муносиб ҳиссасини қўшмоқда. Ҳар йилги анъанага кўра, 23 декабрь куни "Трастбанк" жамоаси томонидан Ногирон болалар "Камалак" уйида ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандлари ва ногирон болалар учун хайрия тадбири ташкил этилди.

Тадбирда болажонлар учун Қорбобо ва Қорқиз, сеvimли эртақ ва мультфильм қаҳрамонлари иштирокида театрлаштирилган дастур намойиш қилинди. Болажонлар учун айниқса, сеvimли эртақ қаҳрамонлари билан биргаликда бўлиб ўтган Янги йил байрами ўзгача таассуротларга бой бўлди. Тадбирда янграган жозибали куй-қўшиқ ва рақслар, эртақ қаҳрамонлари иштирокидаги қизиқарли саҳна асарлари болаларга бир олам қувонч бахш этди.

– "Банкимиз раҳбарияти ташаббуси билан уюштирилган бугунги тадбирдан

кўзланган асосий мақсад – ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандлари ва ногирон болаларни қўллаб-қувватлаш, ногирон кишиларга нисбатан одамларнинг онгини ўзгартириш, шунингдек жамиятда уларнинг тўлиқ ва тенг иштирокини таъминлаш, қолаверса мурғак қалб соҳиблари бўлмиш бу болажонларга қувонч улашишдан иборат, – дейди "Трастбанк" хусусий акциядорлик банки Раисининг биринчи ўринбосари Фурқат Самарходжаев.

– "Бемор болаларга бундай ғамхўрлик кўрсатиш ва уларга эътибор қаратиш – улкан ва хайрли ишдир". Хусусан, ижтимоий муҳтож оилалар ва ногиронлиги бўлган кишиларга кўрсатилган хайр-саҳоват, меҳр-оқибат, сийла раҳм каби улук фазилатлар доимо инсонга зийнат бўлиб келган. Бундай олийжаноб хислатларни ўзида мужассам эта олган инсонгина эл-юртнинг оғирини энгил қила оладиган фазилатли шахс ҳисобланади", – дея сўзини якунлади Фурқат Самарходжаев.

Кўтаринки руҳда ташкил этилган тадбир сўнггида ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар ва ногиронлиги бўлган болажонларга "Трастбанк" хусусий акциядорлик банки томонидан тайёрланган озиқ-овқат маҳсулотлари ва ширинликлар жамламасидан иборат Янги йил совгалари улашилди. Бу совгалар айниқса, Янги йилни орзиқиб кутадиган беғубор қалб эгалари бўлмиш болажонларга чексиз қувонч бағишлади.

Сабоҳат ХАЙТКАРИЕВА



“МИКРОКРЕДИТБАНК”: УЛКАН МУВАФФАҚИЯТЛАР ОЛДИНДА



(Бошланиши 1-саҳифада)

Қайд этиш жоизки, кейинги йилларда юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожлантиришга эътибор кучайгани банк фаолияти янада кенгайишига сабаб бўлмоқда. Бунда унинг инфратузилма тармоғи – 71 филиали, 11 “Банк хизматлари маркази” ҳамда 66 та минибанкида барча шарт-шароит яратилгани қўл келяпти, албатта.

Дарҳақиқат, иқтисодий салоҳият юксалишида, бандлик масаласи ҳал этилишида, аҳолига сифатли сервис хизматлари кўрсатилишида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг алоҳида ўрни бор. “Микрокредитбанк” томонидаги соҳа вакилларининг воя ва ташаббуслари изчил қўллаб-қувватланаётгани эса уларнинг бу борадаги имкониятини янада оширмоқда.

Бундан ташқари, давлатимиз раҳбарининг “Хунармандчиликни янада ривожлантириш ва хунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармониغا мувофиқ, Бандлик ва меҳнат муносабатларини вазирлиги ҳузуридаги Жамоат ишлари жамғармасидан 50,0 млрд. сўм ҳамда Ўзбекистон Республикаси Тикланиши ва тараққиёт жамғармасидан 20 млн. АҚШ доллари миқдоридан ресурс жалб қилиниб, 5 679 та мижозга 163,2 млрд. сўм, “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастури доирасида 35 968 та мижозга 707,9 млрд. сўм, фермер, деҳқон хўжалиқлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини такомиллаштириш мақсадида 2 315 та мижозга 34,6 млрд. сўм, тадбиркор хотин-қизларни молиявий қўллаб-қувватлаш учун 1 044 нафар мижозга 24,7 млрд. сўм кредитлар ажратилгани эътиборга молик.

Пировардида жорий йилнинг ўтган 11 ойи ичида мижозларга барча молиялаш манбалари ҳисобидан тақдим этилган кредитлар ҳажми 2 708,8 млрд. сўмни ташкил этди. Уни аниқ мақсад-

лар бўйича таҳлил қиладиган бўлсак, 387,3 млрд. сўм айланма маблағларни тўлдиршига, 880,7 млрд. сўм асосий воситалар сотиб олишга, 125,0 млрд. сўм юридик шахсларга қурилиш ва реконструкция қилиш учун, 58,3 млрд. сўм аҳолига уй-жой қуриш ва сотиб олиш учун, 473,0 млрд. сўм истеъмол кредитлари учун, 784,5 млрд. сўм бошқа мақсадларга йўналтирилгани аён бўлади.

ХАРАКАТГА МУНОСИБ ЭЪТИРОФ

Банк томонидан ажратилаётган маблағ ва кўрсатилаётган хизматлар кўлами кенгайиб бораётгани халқаро молиявий ташкилотлар томонидан ҳам муносиб баҳоланмоқда. Хусусан, йил бошида “Fitch Ratings” халқаро рейтинг агентлиги “Микрокредитбанк” АТБ-нинг хорижий валютадаги рейтингини “Барқарор” прогнози билан “В+” даражасидан “ВВ+” даражасига кўтарди.

“Ahbor-Reyting” эса миллий шкёла бўйича рейтингини “Барқарор” прогнози билан “uzA+” даражасида тасдиқлади.

Молия муассасасининг республикамиздаги банк фаолиятига оид тузилмалардан ташқари, “Microfinance Centre” (Польша) марказига, Осиё банклари ассоциацияси (Тайвань)га, “S.W.I.F.T.” халқаро электрон тўловлар тизимига, “VISA International”, “UNistream”, “Moneygram”, “Contact”, “Western Union”, “Золотая корона” каби халқаро пул ўтказмалари тизимларига аъзо эканлиги, “Bank of Tokyo-Mitsubishi UFJ” (Япония), “Bank of China” (Хитой), “Азия Инвест Банк” (Россия) билан вакиллик муносабатлари ўрнатилгани халқаро доирада нуфузи ортаётганидан далolat беради.

Россия микромолиялаш маркази, Германия тараққиёт банки (KfW), Туркиянинг “Зираат”, “Актив” банклари, БМТ Тараққиёт Дастури билан ҳамкорликда кичик бизнес субъектларига микрокредитлар ажратиш йўлга қўйилган бўлса, “Россельхозбанк” АЖ (Россия),

“Commerzbank AG” (Германия) иштирокида савдо ва инвестициявий лойиҳалар молиялаштирилипти.

Қишлоқ хўжалигини молиявий қўллаб-қувватлашда эса Халқаро тараққиёт уюшмаси, “ADA” (Люксембург) халқаро компанияси, Хусусий секторни ривожлантириш Ислоҳ корпорациясининг кредит линиялари ва грант маблағлари қўл келяпти. Мисол учун, 2017 йилда Хусусий секторни ривожлантириш Ислоҳ корпорациясининг молиялаш линияси II босқичи доирасида 12,0 млн. АҚШ доллари жалб қилиш бўйича келишув имзоланганди. Мазкур маблағ ўтган вақт мобайнида 17 та мижозга берилди ва 735 та янги иш ўрни яратилди.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш халқаро жамғармаси (IFAD)нинг I босқич “Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавотчилик тармоғини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш” кредит линияси асосида Сурхондарё вилоятида мева-сабзавотчилик лойиҳаларини молиялаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги корхоналарини таркибий қайта тузиш агентлиги ва “Микрокредитбанк” АТБ ўртасида 20 йил мuddатга 6,0 млн. АҚШ долларлик келишув шартномаси имзоланганди. Мазкур келишув ҳам 12 та мижозга 2,0 млн. АҚШ доллари ҳамда 117 та мижозга 9,43 млрд. сўм миқдоридан кредит ажратишга, 750 киши бандлиги таъминлишига асос бўлди.

Худди шу ташкилотнинг “Ўзбекистонда сутни қайта ишлаш тармоғида қўшилган қиймат тизимини ривожлантириш” кредит линияси асосида эса Қашқадарё ва Жиззах вилоятларида сутни қайта ишлаш билан боғлиқ лойиҳаларни молиялаштириш учун 3,3 млн. АҚШ доллари жалб қилиниб, мазкур йўналишдаги тадбиркорлик субъектларига тақсимланди.

ЎСИШ ОМИЛИ НИМАДА?

Банк жамоасининг саъй-ҳаракати самараси умумий молиявий кўрсаткичларда ҳам яққол намоён бўлмоқда. Жумладан, банк активлари йил давомида 1 972,0 млрд. сўмга ёки 60 фоиз ошиб, 4 трлн. 980 млрд. сўмга етди. Кредит қўйилмаси эса 1 420 млрд. сўмга ёки 63 фоиз кўпайиб, 3 трлн. 801 млрд. сўмни ташкил қилди.

Банк ресурс базасини янада мустаҳкамлаш ва ликвидлик қобилиятини оширишда Президентимизнинг 2018 йил 4 майдаги қарорига мувофиқ, 2018-2019 йилларда банк устав капиталини республика бюджети маблағлари ҳисобидан ошириш мақсадида ўтган йили 100 млрд. сўм, жорий йилнинг тўққиз ойида эса 350 млрд. сўм йўналтирилди.

Банк томонидан жами 10,0 млн. АҚШ доллари ҳамда 5,0 млн. евро миқдоридан хорижий кредит линияларни жалб қилиш, кредит портфели таркибидаги узоқ мuddатли кредитлар салмоғини ошириш, инфратузилмани даромадлилик даражаси бўйича қайта қўриб чиқиш орқали ҳудудий филиалларни мақбуллаштириб, “Банк хизматлари марказ”лари сонини 20 тага етказиш, инновацион усулда маҳсулотлар ишлаб чиқариш мақсадида ва технологияларни жорий этиб, банкни халқаро стандартларга мувофиқ трансформация қилиш, аҳоли омонатларини ошириб бориш каби ишларга катта аҳамият берилётгани ҳали яна қўллаб ютуқлар қўлга киритилишдан далолатдир.

Банк Ахборот хизмати.

ЯНГИ ЙИЛГА ЯНГИ УМИДЛАР БИЛАН



Йил, ой, ҳафта, кун, соат, дақиқа ва боринги, ҳар бир сония “вақт” деб аталмиш қудратли кучнинг зарраларидир! Бу зарралар ҳар бир инсон умрининг қисмларидир. Мазкур вақт зарраларининг қай тарзда ўтиши ҳар бир инсон ҳаётида жуда кўп сонли объектив ва субъектив омилларга боғлиқ бўлса-да, бироқ барибир вақтни қандай ўтказиш кўпроқ кишининг ўз қўлидадир.

Соғлом фикрловчи ҳар бир инсон янги йил арафасида поёнига етаётган эски йилда ўтказган бир йиллик умрини ҳаёлидан бир-бир ўтказиб, ўзига ҳисобот бериши тайин. Агар киши ўз вақтини мақсадли режалаштирган бўлса, албатта самарали натижаларга эриша олади.

Тобора яқинлашиб келаётган 2020 йилда ҳар бир инсонга вақтни тўғри ва мақсадли режалаштири олишни тилаган бўлардим. Шундагина ҳар биримиз Яратган берган умрни мазмунли ва сермахсул ўткази олаемиз. Айнан тўғри ва мақсадли режалаштирилган вақт, бизга ҳар бир режалаштирилган ишни вақтида бажариш, соғлом турмуш тарзи асосида яшаш, бадан тарбия ёки спорт билан шугулланиш, оиламизга ва яқинларимизга меҳр-оқибатли бўлиш, малака ва тажрибаларимизни оширишда ҳамда бошқа ишларда зафарлар қўчишимизни таъминлайди.


Янги 2020 йилда барча юртдошларимизга, жумладан, банк-молия соҳасида жавлон ураётган раҳбар ва ходимларга, академиямиз жамоаси ва тингловчиларига ҳамда барча яқинларимизга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат, хотиржамлик тилайман. Давлатимиз раҳбарияти ва Ўзбекистон халқига мамлакатимизни ривожлантириш йўлида олиб бораётган чуқур ва кенг қамровли ислоҳотларни тез ва самарали яқунлашларида матонат, куч-қувват ёр бўлсин!

Катта умидлар билан илмий изланишлар сари қадам ташлаган илм толибларига мазкур машаққатли йўлда ўткир зехн, омад, сабр-тоқат, чидам мудом ҳамроҳ бўлсин дейман.

Бутун кишилик жамиятида, шу қаторда юртимизда тинчлик ва осойишталик ҳукм сурсин!

Янги 2020 йилингиз муборак бўлсин!

Ислоҳбек НИЯЗМЕТОВ
Ўзбекистон Республикаси
Банк-молия академияси
“Солиқлар ва солиқ солиш”
кафедраси мудири, иқтисодиёт
фанлари доктори





ЖУРНАЛИСТЛАР ЯНГИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ОБЪЕКТЛАРИДА

“Ўзсаноатқурилиш-банк” томонидан мамлакатимизда хусусий секторни ривожлантириш борасида ҳудудлардаги тадбиркорлик субъектлари ҳам молиявий қўллаб-қувватлаб келинмоқда. Хусусан, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга доир давлат дастурлари ҳамда Президентимизнинг вилоятларга амалга оширган ташрифларида тасдиқланган лойиҳаларнинг ҳаётга татбиқ этилишида банк фаол иштирок этиб келмоқда.



Яқинда “Ўзсаноатқурилиш-банк” томонидан оммавий ахборот воситалари ходимларини Тошкент вилоятининг Ангрен шаҳридаги янги ишлаб чиқариш корхоналари фаолияти ҳамда бу ҳудудда молиялаштирилаётган лойиҳалар билан таништириш мақсадида пресс-тур ташкил этилди.

Жорий йилнинг 1 декабрь ҳолатига кўра, Тошкент вилоятида банкнинг молиявий кўмагида 50 га яқин истиқболли лойиҳалар ишга туширилиб, пировардида 900дан зиёд янги иш ўрни яратилди.

“Ангрен” эркин иқтисодий зонаси (ЭИЗ) ҳудудидаги “Vita Segamics” корхонаси негизда санфаянс маҳсулотларини

ишлаб чиқариш лойиҳаси ана шулардан биридир.

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил январь ойида Тошкент вилоятига амалга оширган ташрифларида тасдиқланган ушбу лойиҳанинг умумий қиймати 4 924,3 минг АҚШ доллари миқдорида бўлиб, шундан 2 094 минг АҚШ доллари банк кредит маблағлари ҳисобига корхонага Туркия давлатидан замонавий технология ва ускуналар олиб келишга йўналтирилди.

Бугун 40 нафар ишчи-ҳодим замонавий жиҳозланган корхонада меҳнат қилишмоқда. Ойлик маошлар вақтида бериб борилади. Ишчи-ҳодимларнинг дам олиш, овқатланиш, тиббий ёрдам кўрсатиш хона-

лари фаолият кўрсатмоқда.

Корхона тўла қувватда иш юритмоқда. Бу ерда керамика хомашёсидан энг сўнгги кўринишдаги санитария-техника жиҳозлари ишлаб чиқарилмоқда. Келгусида корхона томонидан янги маҳсулот турлари ишлаб чиқарилиши режалаштирилмоқда.

Лойиҳага кўра, корхонанинг йиллик ишлаб чиқариш қуввати 3 840 кв. метр ёки 19 319,4 минг АҚШ долларилик маҳсулот етказиб беришга тенг бўлиб, унинг 3 330,7 минг АҚШ долларилик қисми экспортга йўналтирилиши мўлжалланган.

Пресс-тур давомида журналистлар шаҳардаги яна бир йирик ишлаб чиқариш объекти

– “Angren charm invest” корхонаси фаолияти билан ҳам таништирилди.

Корхона фаолиятига доир янги линия 2019-2020 йилларда Ангрен шаҳрида амалга оширилаётган инвестиция лойиҳалар сирасига киритилган бўлиб, у жорий йилнинг ноябрь ойида ишга туширилди.

Мазкур корхона ҳам жиҳозлаш ишлари банк кредит маблағлари ҳисобига олиб борилади. У ерда Италиянинг энг илғор технология ва ускуналари келтириб ўрнатилди.


Айни пайтда корхонада юздан зиёд ишчи меҳнат қилади. Йилига уч юз минг метр, яъни 3 млн. АҚШ долларилик чарм маҳсулотлари қайта ишланиб, унинг 2 млн. АҚШ доллардан

зиёд қисми Италия ва Хитойга давлатларига экспорт қилиниши кўзда тутилган.

Пресс-тур давомида ҳудудда банк томонидан молиялаштирилаётган истиқболли лойиҳалар тақдими ҳам бўлиб ўтди. Журналистлар шу каби корхоналарда фаолият юритаётган тадбиркорлар билан яқиндан мулоқот қилди.

“Ўзсаноатқурилишбанк” томонидан ажратилаётган кредитлар эвазига тикланаётган корхоналар, ишга тушаётган янгидан-янги ишлаб чиқариш объекти Ангрен шаҳри аҳолисини хурсанд қилмоқда. Чунки шу туфайли қанчалаб кишилар ишли, рўзгорлари бут бўляпти.


Ўз мухбиримиз

 SANOAT QURILISH BANK

Азиз юртдошлар!

Ўзсаноатқурилишбанк жамоаси
Сиз азизларни кириб келаётган
2020 йил билан чин дилдан қутлайди.

Янги йил оилангизга тотувлик,
қувонч ва омад олиб келсин!





БОШ МАҚСАД – ЮРТ РАВНАҚИ

2019 йилда Марказий банкнинг Самарқанд вилояти бош бошқармаси томонидан ҳудуддаги тижорат банклари билан ҳамкорликда вилоятнинг иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлаш, аҳоли турмуш фаровонлиги ошириш, тадбиркорликни кенг қўллаб-қувватлаш ҳамда янги иш ўринларини ташкил этиш борасида кўплаб чора-тадбирлар амалга оширилди. Айниқса, тижорат банкларининг аҳолига банк хизматларини ташкил этиш борасидаги саъй-ҳаракатлари халқимизнинг банкларга бўлган ишончини бир неча карра оширди. Шу билан бирга ҳудудларда ташкил этилаётган Банк хизматлари марказлари ҳам аҳолининг узоғини қилиши баробарида банк ва мижоз муносабатларини янада мустаҳкамламоқда.



Жумладан, Самарқанд вилоятида 18 та тижорат банкларининг 75 та филиаллари ва 90 та минибанклариди жами 4 400 нафардан ортиқ банк ходимлари фаолият юритиб, жойларда 118 та махсус касса, 32 та жамғарма кассалари, 101 та экспресс ва халқаро пул ўтказма объектлари, 25 та коммунал кассалар ҳамда 89 та валюта айирбошлаш шохобчалари мижозларга кенг хизмат кўрсатмоқда.

Шу билан бирга, аҳоли ва хорижлик меҳмонларга қўлайликлар яратиш ҳамда нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизими ривожини қўллаб-қувватлаш мақсадида жойларда 71 та ўз-ўзига хизмат кўрсатиш офислари ва 50 та автомат валюта айирбошлаш шохобчалари, 306 та “Узкард”, “Хумо” ва хорижий банк карталарига хизмат кўрсатувчи банкоматлар ўрнатилган ҳамда 34 633 та савдо ва хизмат кўрсатиш нуқталари тўлов терминаллари билан таъминланган.

Агар вилоят тижорат банкларининг умумий кредит портфелига назар ташласак, жорий йилнинг 1 ноябрь ҳолатига кўра, уларнинг умумий кредит портфели 14 трлн. 299,5 млрд. сўмни ташкил қилди. Шундан аҳоли бандлигини таъминлаш ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган ижтимоий дастурлар бўйича 470,0 млрд. сўмга яқин имтиёзли кредит маблағлари ажратилиб, кўплаб юртдошларимизнинг ўз йўлини топишига ва муҳим иш ўрни билан таъминлинишига эришилди.

Жумладан, вилоятда ташкил этилган “Ургут” эркин иқтисодий зонасида банк кредит маблағлари ҳисобига 120,8 млн. АҚШ долларидек 46 та лойиҳа, ҳудудларда ташкил этилган кичик саноат зоналарида ҳам кредит ҳисобига 14,1 млн. АҚШ долларидек 57 та лойиҳа, Президентимиз ташрифлари давомида тасдиқланган 5,2 трлн. сўмлик кредит маблағлари ҳисобига 922 та лойиҳа амалга оширилиб, минглаб янг иш ўринлари яратилаётир.

Бу каби лойиҳаларни кириб келаётган 2020 йилда ҳам давом эттириб, бор имкониятларимизни юртимиз раवнақи, халқимиз розилиги ва уларнинг турмуш фаровонлиги йўлида сафарбар этамиз.

Мана шундай шуқуҳли онларда барча юртдошларимизни, банк соҳаси вакилларини кириб келаётган – 2020 йил билан чин юракдан муборакбод этаман. Янги йил барчамизга янги омадлар, янги лойиҳалар ва улкан муваффақиятлар йили бўлсин. Ватанимиз бундан равнақ топиб, жаҳон узра юксалаверсин.

Реклама

AGROBANK

Агробанк АТБ жамоаси

юртдошларимизни ва банк мижозларини кириб келаётган Янги - 2020 йил билан чин қалбдан самимий табриклайди. Мамлакатимиз иқтисодиётини янада юксалтириш йўлидаги саъй-ҳаракатларда улкан зафарлар ҳамроҳ бўлсин. Сизларни бахту-саодат ва соғлиқ-саломатлик, оилавий фаровонлик тарқ этмасин!

www.agrobank.uz
 Тел.: (+998) 71 203 88 88
 Хизматлар лицензияланган

/AgrobankChannel
 /agrobankuzbekistan

Agrobank Mobile вилоятнинг юккаб олим
 Download on the App Store
 GET IT ON Google Play

Қаюмжон СОБИРОВ
 Марказий банк
 Самарқанд вилоят
 Бош бошқармаси бошлиғи



2019 – ИСЛОҲОТЛАР ВА ЎЗГАРИШЛАР ЙИЛИ БЎЛДИ

Жорий йил барча соҳалар қатори банк тизими учун ҳам улкан ўзгаришлар ва ислоҳотларга бой ўтган йил бўлди. 2019 йилни сарҳисоб қилиб, вилоят банк тизими томонидан амалга оширилган ишларга назар ташласак, мақташга арзигулик ишлар қилинганнинг гувоҳи бўламиз.

Биринчи навбатда, аҳолига янада қулайликлар яратиш ва банк хизматлари оммабоплигини ошириш мақсадида 2019 йилда Бухоро вилояти бўйича жами 24/7-режимда туну-кун

ишлайдиган 65 та турғун шохбчалар ташкил этилди. Ушбу шохбчаларда 35 та автоматлашган валюта айирбошлаш банкоматлари ҳамда халқаро ва миллий карталардаги маблағларни нақд ечиб берадиган 155 та банкоматлар ўрнатилди. Шунингдек, вилоятдаги савдо дўконларининг 15 мингдан ортиғи “Хумо” миллий тўлов тизимида ишловчи тўлов терминаллари билан жиҳозланди.



Шу билан бирга, банк хизматларини чекка ҳудудларга ҳам етиб боришини таъминлаш мақсадида, 2019 йилда 35 та “Банк хизматлари марказлари” ташкил қилинди. Бу эса олис ҳудудларда истиқомат қилаётган юртдошларимизга, тадбиркорларга кенг қулайлик яратиб, узоғини яқин қилиши баробарида банк мижозларининг сонининг ортишига ҳам замин яратди.

Қолаверса, бу имкониятлар тадбиркорларнинг сонининг ортишига ҳам туртки бериб, кўплаб ёшларнинг янг иш ўринларига эга бўлишига ва ташаббусларининг банк томонидан қўллаб-қувватлашига омил бўлди.

Хусусан, 2019 йил давомида “Ёшлар – келажакимиз” давлат дастури доирасида ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш мақсадида 14,2 млрд. сўм, “Ҳар бир оила – тадбиркор” давлат дастури доирасида 370,1 млрд. сўм ҳамда тадбиркор аёлларни бизнес ғояларини амалга оширишлари учун 9,7 млрд. сўм миқдорида имтиёзли кредитлар ажратилиб, кўплаб тадбиркорлик билан шуғуланиш истагида бўлган фуқароларга молиявий кўмак берилди. Натижада бу ҳудудларда ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва савдо-сотиқ тармоқларининг ривожига таъсир этди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 10 июлдаги ПҚ-3843-сонли “Бухоро-агро” эркин иқтисодий зонасини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, 236 гектар ер майдонида замонавий иссиқхоналар ташкил этиш учун 110,3 млн. АҚШ доллари миқдоридаги кредитлар ажратилди. Бу эса вилоятимизда қиш ойларида ҳам вилоятимиз аҳолисини сархил сабзавотлар билан таъминлаш имконини бериб, экспорт салоҳиятининг ҳам ўсишига олиб келди.

Ушбу амалга оширилган ишларнинг барчаси халқимизни республикаимизда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлардан розилик ҳиссини ва кайфиятини оширишга хизмат қилиши тайин. Мана шу йўлда Бухоро вилоят тижорат банклари ҳам астойдил меҳнат қилиб, ҳудуд ривожига ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшиб келаётганидан мамнунмиз.

Марказий банк Бухоро вилоят Бош бошқармаси вилоят банк тизими номидан халқимизни кириб келаётган янги – 2020 йил билан самимий муборақбод этади. Келаётган янги йил ҳар бир юртдошимизга мустақкам соғлиқ, хонадонларига қувонч, осойишталик ҳамда кут-барака олиб келишини тилаймиз.

Шуқурулло ҲАКИМОВ
Марказий банк Бухоро вилоят
Бош бошқармаси бошлиғи

Реклама

MIKROKREDITBANK

«Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банки жамоаси яқинлашиб келаётган Янги 2020 йил билан барча юртдошларимизни самимий табриклайди. Мамлакатимиз равнақи, халқимиз тинчлиги йўлидаги эзгу ишларингизга улкан зафарлар тилайди.

Шу билан бирга қулай ва даромадли бўлган **“КУНДАН КУН ЯХШИ”**

жамғарма омонат турини таклиф этади!
Ушбу омонат мuddати ва фоизлари Сиз истагандек белгиланади!
Омонат маблағлар нақд ва пластик карталар, ҳамда «Mkb mobile» иловаси орқали қабул қилинади

35 - 60 кунгача	18%
65 - 90 кунгача	21%
5 - 30 кунгача	17%

Янги 2020 йил байрамингиз муборақ бўлсин!

Қушимча маълумотларни банкнинг ҳудудий филиаллардан ёки (71) 202-99-99 рақами
www.mkb.uz сайтидан олишингиз мумкин
УНУТМАНГ, МАБЛАҒИНГИЗ ИШОНЧЛИ САҚЛАНИШИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН КАФОТЛАНГАН!



“СОҲАМИЗ ЖАМИЯТНИНГ ҚОН ТОМИРИДИР...”

Айни пайтда тижорат банклари томонидан ҳудудларни иқтисодий ривожлантириш, айниқса, тадбиркорликни кенг қўллаб-қувватлаш борасида сезиларли ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада Наманган вилоятида ҳам шу кунга қадар кўплаб лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилиб, вилоятнинг иқтисодий салоҳияти янада мустақамланишига улкан ҳисса қўшилди.

Хусусан, иқтисодийёт тармоқларини фаол кредитлаш сиёсатини олиб борилиши натижасида вилоят тижорат банклари томонидан жорий йил ўн бир ойида давомида 3 трлн. 855 млрд. сўмдан ортиқ кредитлар ажратилган бўлиб, шундан кичик бизнес субъектларига ажратилган маблағлар миқдори 2, трлн. 292 млрд. сўмни ташкил этди.



Шу билан бирга, жорий йилнинг ўн бир ойи давомида Юртбошимизнинг тегишли фармон ва қарорлари асосида ижтимоий дастурларга ажратилган кредитлар 906,6 млрд. сўм, шундан “Хар бир оила – тадбиркор” дастури асосида 834 млрд. сўм, Аёллар жамоат фонди маблағлари ҳисобидан 8,5 млрд.сўм, “Ёшлар – келажагимиз” дастури асосида 32,4 млрд.сўм, хунармандчиликни ривожлантириш мақсадида 11,9 млрд.сўм, томорқа ер эгалари кенгаши маблағлари ҳисобидан 12,5 млрд.сўм, бандлик ва маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан 7,3 млрд.сўмдан зиёд кредит маблағлари ажратилган. Бунинг самараси ўлароқ жорий йилнинг ўзида минглаб янги иш ўринлари яратилиб, юзлаб тадбиркорлар ўз фаолиятини бошлади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобидан жорий йил ўн бир ойи давомида ҳудудимиздаги 586 та лойиҳалар учун 454 млрд. сўмдан ортиқ кредитлар бўйича молиявий ёрдам олинган. Шундай, жамғарманинг 112 лойиҳаларга 56,7 млрд. сўмга кафилиги натижасида 133,3 млрд.сўмлик, 458 та лойиҳаларга 39,7 млрд. сўм компенсия маблағлари ҳисобидан 267,9 млрд. сўмдан зиёд кредитлар бўйича молиявий ёрдам кўрсатилди.

Бундан ташқари, хорижий кредит линияларни жалб қилиш ва улардан унумли фойдаланиш бўйича ҳам сезиларли ишлар қилинмоқда. Жумладан, Наманган вилояти тижорат банклари томонидан хорижий кредит линиялари ҳисобидан жорий йилнинг ўн ойи давомида 590 та лойиҳага 58 млн. АҚШ доллари миқдорига кредит маблағлари ажратилган. Жумладан, “Ўзмиллийбанк” 8 та лойиҳага 9,7 млн. АҚШ доллари, “Асака” банк 11 та лойиҳага 19,7 млн. АҚШ доллари, “Ҳамкорбанк” 417 та лойиҳага 8,4 млн. АҚШ доллари, “Ўзсанаотқурилишбанк” 9 та лойиҳага 6,7 млн. АҚШ доллари, “Агробанк” 3 та лойиҳага 0,5 млн. АҚШ доллари, “Халқ банки” 32 та лойиҳага 6,2 млн. АҚШ доллари, “Қишлоқ қурилиш банк” 9 та лойиҳага 2,3 млн. АҚШ доллари, “Туронбанк” 9 та лойиҳага 2,4 млн. АҚШ доллари, “Ипак йўли банк” 91 та лойиҳага 2,2 млн. АҚШ доллари кредит ажратган. Натижада жорий йилнинг ўзида қисқа фурсатда вилоятимизда кўплаб янги лойиҳалар ишга тушди ва кейинги йилда яна юзлаб лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилиши мўлжалланмоқда. Мана шундай салмоқли ишларни кўриб, соҳамиз жамиятнинг қон-томириди дегим келади.

Бу саъй-ҳаракатларимизни кейинги йилда ҳам давом эттириб, инновацион лойиҳалар билан чиқаётган барча юртдошларимиз фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлашга ҳаракат қиламиз.

Соҳамиз ҳодимлари ва жамоамиз номидан яқинлашиб келаётган Янги йил билан барча юртдошларимизни табрик этамиз, дастурхонларга қут-барак тилаймиз ва бу ишда камарбаста бўлиб хизмат қилишимизни билдирамиз.

Музаффар ИШОНХОДЖАЕВ
Марказий банк Наманган вилоят бош бошқармаси бухгалтерия ҳисоби, ҳисоботи ва молиявий-иқтисодий фаолият бошқармаси бошлиғи – бош ҳисобчиси

Реклама

TRASTBANK

Азиз Ватандошлар ва юртимиз меҳмонлари!

“Трастбанк” хусусий акциядорлик банки жамоаси Сиз азизларни яқинлашиб келаётган – 2020 йил билан самимий муборакбод этади!

Ушбу қувончли байрам кунлари арафасида Сизларга тинчлик-омонлик, сиҳат-саломатлик, хонадонларингизга қут-барак, бахт ва омад, дастурхонларингизга тўкин-сочинлик, фаровонлик ва Ўзбекистонимизнинг янада гуллаб-яшнаши йўлидаги бунёдкорлик фаолиятларингизда улкан зафарлар тилайди!


Янги йилда барча ўйлаган ниятларингиз амалга ошсин. Ўзбекистон осмонида доимо тинчлик ва фаровонлик ҳукм сурсин!

2020 йил МУБОРАК БЎЛСИН АЗИЗЛАР!

“Трастбанк” хусусий акциядорлик банки мижозлар учун барча турдаги кенг қўламли банк маҳсулотлари ва хизматларини таклиф қилади.

Call center: (+998 78) 140-00-88
Web sayt: www.trustbank.uz
Telegram: <https://t.me/trustbankuz>
Facebook: <https://www.facebook.com/trustbank.uz>
Instagram: https://www.instagram.com/trustbank_uz/?hl=ru

Хизматлар лицензияланган



1 ЯНВАРДАН НИМАЛАР ЎЗГАРАДИ?


1. Давлат харидлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя қилиш учун жавобгарлик бошқарув органларига юкланади. Давлат харидлари бўйича топшириқлар ва импорт контрактлари "Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази"да экспертизадан ўтказилмайди.

2. 100 бошли чорва ва 100 минг парранда бўлган хўжалиқларда ветеринария врачлари ва зоотехник штати жорий этилади.

Қорамолчилик йўналишидаги хўжалиқлардаги ҳамда аҳоли қармоғидаги сигирлар селекция режасига асосан насли буюқлар уруғи билан сунъий уруғлантирилади.

Туман ҳокимлари келгуси йилга озуқа экинларини жойлаштириш режасини "Ўзбекчорванасл" агентлигининг ҳудудий бошқармалари билан келишади.

3. Республиканинг барча ҳудудларидаги кўчмас мулкка нисбатан ҳуқуқлар ҳақидаги маълумотлар Реестрга фақат электрон шаклда кадастр паспорти тайёрланганидан кейин нотариуслар томонидан электрон киритилади ва мулкдорга Реестрдан кўчирма берилади.



4. Куйидагилар кадастр органларига электрон юборилади:

банклар томонидан уй-жойга нисбатан мулк ҳуқуқини ҳамда ипотекани давлат рўйхатидан ўтказишда уй-жойни қабул қилиб олиш далолатномаси ва бошқа зарур ҳужжатлар;

Давлат активларини бошқариш агентлиги ва риэлторлик ташкилотлари томонидан кўчмас мулк объектини "E-IJO AUKSION"да сотиш ва риэлторлик хизматлари кўрсатиш орқали вужудга келган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун зарур маълумотлар.

5. Тут дарахтларини ғайриқонуний кесганлик, шикастлаганлик ёки йўқ қилганлик учун ундирилган жариманинг 50 фоизи ҳуқуқбузарлик содир бўлган ҳудудда янги тут кўчатлари экиш учун йўналтирилади.

6. Қора металллар прокатини ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган индукцион печлар ва камераларга нисбатан тегишли боғхона имтиёзлари татбиқ этилмайди.

7. Оғир ва йирик габаритли автомобилларнинг вазн ва ҳажм параметрларини назорат қилиш, уларнинг автомобиль йўллари бўйлаб ҳаракатланиши учун йиғим ундириш ва ҳаракатланишига рухсатнома бериш Автомобиль йўллари қўмитаси (Қўмита) томонидан амалга оширилади.

Йўл ҳаракатини тартибга солишнинг техник воситалари ва уларнинг конструкциялари, шу жумладан фото- ва видеоқайд этиш техник воситалари Қўмита билан келишилган ҳолда ўрнатилади.

Автомобиль йўлларининг қатнов қисмларига узунасига жойлашган муҳандислик коммуникацияларининг янги тармоқларини лойиҳалаштириш ва ётқириш таққиланади, уларнинг автомобиль йўллари билан кўндаланг кесишиши бундан мустасно.

8. Автомобиль йўлларини лойиҳалаштириш, қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, шунингдек, йўл-қурилиш ишларини техник назорат қилиш учун янгидан бошланадиган объектлар бўйича шартномалар фақат давлат харидлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ўтказиладиган танлов (тендер) яқунлари бўйича тузилади.

Йўл-қурилиш ишлари бўйича консалтинг хизматлари (техник назорат) мустақил ташкилотлар томонидан амалга оширилиши мумкин.

Тошкент шаҳри кўчаларини қуриш ва таъмирлаш бўйича бюртмачининг функцияларини синов тарзида Тошкент шаҳар ҳокимлиги амалга оширади.



9. 2020 йил 1 январдан бошлаб, нефть битумининг йўллarga мўлжалланган маркаларини сотиш соҳасида фоалият олиб бориш ҳуқуқини лицензия олиш талаб этилмайди.

10. Ҳокимликларнинг алоҳида функция ва ваколатлари тегишли давлат бошқаруви органларининг ҳудудий бўлинмаларига ўтказилади.

Ҳокимликларнинг бир қатор функция ва ваколатлари чиқариб ташланади.


Давлат органлари ва ташкилотлари жами 28 турдаги ҳужжатларни фуқаролардан талаб қилиши, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан эса уларнинг берилишига йўл қўйилмайди.

Президент ва Ҳукумат ҳужжатлари билан тузилган (рўйхати мазкур қарорда келтирилган) идоралараро коллегиял органлари тугатилади.

11. Айрим хўжалик жамиятлари ва стратег аҳамиятли корхоналар харидларни амалга оширишдан олдин давлат харидлари бўйича махсус ахборот порталида эълон жойлаштирилади.

12. Тажриба-синов тариқасида 10 та олий таълим муассасалари ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтади.

13. Аҳоли учун иссиқлик энергияси ва иссиқ сувга пасаитрилган тарифларни қўллаш натижасида қўриладиган зарарлар Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари ҳисобидан қопланади.



ҚАНДАЙ ЛОЙИҲАЛАР МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ ДАСТУРИГА КИРИТИЛАДИ



Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини шакллантириш, амалга ошириш ва ҳисобот тизимини юритиш ҳамда ушбу жараёнда давлат бошқаруви органлари ва лойиҳалар ташаббускорларининг ўзаро ҳамкорлик қилиш тартиби тўғрисида низом тасдиқланди (17.12.2019 йилдаги 1009-сон ВМҚга қаранг).

Ҳужжат Президентнинг "Давлат ва хўжалик бошқаруви ҳамда маҳаллий ижроия ҳокимияти органларининг ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва саноат тармоқларида кооперация алоқаларини жадаллаштиришнинг янги тизимини жорий этиш бўйича масъулиятини янада ошириш тўғрисида" 2019 йил 24 августдаги ПҚ-4426-сон қарорига мувофиқ қабул қилинди.

Низомда белгиланишича, импорт ўрнини босувчи тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар, эҳтиёт қисмлар, хомашё ва материалларни ишлаб чиқариш (ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш) билан боғлиқ жараён маҳаллийлаштириш ҳисобланади. Маҳаллийлаштириш бўйича чора-тадбирлар дастури Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Вазирлар Маҳкамаси, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, ДСҚ, ДБҚ, Монополияга қарши курашиш қўмитаси, Давстатқўм, Давлат активларини бошқариш агентлиги, "Ўзстандарт" агентлиги, ССП, шунингдек:

Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳузуридаги Тармоқ бозорлари ва экспортга йўналтирилган ишлаб чиқариш тадқиқотлари маркази;

Қорақалпоғистон Жўқорғи Кенгеси раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш масалалари бўйича ёрдамчис ва ишчи гуруҳ;

лойиҳа ташаббускорлари (импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи хўжалик юритувчи субъектлар) маҳаллийлаштириш жараёни иштирокчилари ҳисобланади.

Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва саноат кооперациясини ривожлантириш жараёнларини чуқурлаштириш бўйича ваколатли орган этиб белгиланди.

Низомда маҳаллийлаштириш жараёни иштирокчиларининг вазифалари, улар томонидан маҳаллийлаштириш дастурини шакллантириш, амалга ошириш бўйича амалга ошириладиган функциялар, шунингдек уларни амалга ошириш мuddатлари белгиланган. Бу маҳаллийлаштириш дастурини шакллантириш ва уни амалга ошириш жараёни иштирокчиларининг ўзаро ҳамкорлиги схемасида акс этган.

Лойиҳалар маҳаллийлаштириш дастурига уларнинг кўрсаткичлари куйидаги мезонларга жавоб берган ҳолда киритилади:

маҳаллийлаштириладиган маҳсулотларнинг республика ҳудудига доимий равишда, катта миқдорда импорт қилиниши;

маҳаллийлаштириладиган маҳсулот ишлаб чиқариш қуввати ва мавжуд хомашё базаси негизда қўшилган қиймат занжирини яратиш имкониятининг мавжудлиги;

тармоқ ва ҳудудий корхоналарда мавжуд технологик ускуналарнинг тез ишдан чиқувчи бутловчи буюмлари, эҳтиёт қисмлари ва материалларини ишлаб чиқаришга қаратилганлиги;

ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг маҳаллийлаштириш даражаси камида 36% бўлиши;

маҳаллийлаштирилаётган маҳсулотга ички ва ташқи бозорда етарли даражада талабнинг мавжудлиги;

ишлаб чиқариш инфратузилмасининг мавжудлиги, айниқса, бўш бино ва кичик саноат зоналаридаги мавжуд инфратузилмадан фойдаланилиши;

йирик ва кичик корхоналар ўртасида кооперация алоқалари йўлга қўйилганлиги.



ПУЛНИ ҚАЙСИ ДАВЛАТДА ҚАНДАЙ САРФЛАШАДИ?

Дунёнинг турли ҳудудларида истиқомат қилаётган инсоният пулни турлича сарфлайди. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, энг тежамкор миллат японияликлар. Табиий офатлардан хавфсирашга, шунингдек жамғаришга одатланган японияликларнинг аксарияти ҳар ойда ўз маошларининг 25 фоизини олиб қўяди, европалликларда эса бу кўрсаткич кўпи билан 15 фоизни ташкил этмоқда.

ШВЕЦИЯ

**РЕКЛАМАГА ИШОНИШМАЙДИ.
ҚИММАТБАҲО СОВҒАЛАРНИ
ХАРИД ҚИЛИШАДИ.**

Бу мамлакат аҳолиси Европадаги энг катта фоизда, яъни даромадларининг 58 фоизини солиқ сифатида тўлайди. Шу боис бу давлатда истаган ҳам, истамаган ҳам тежашга мажбур бўлишади. Фуқаролар ўрта ҳисобда бир ойлик даромадининг 40 фоизини кун кечирish ва бу давлатда энг қиммат восита, электр энергиясидан фойдаланиш мақсадида сарфласа, 20 фоизини “сув”га, 25 фоизини сугуртага, яна 15 фоизини эса телефон, интернет ва телевидение хизматлари учун йўналтиради.

Швецияликлар чегирмалар эълон қилинган вақтда кўпга буюм ва нарсаларни харид қилишни сарф-харажатларни тежаш, деб ҳисоблайди. Бироқ бундан аввал улар қайси маҳсулот синовлардан яхши ўтганлигига оид маълумотни махсус вебсаҳифалар орқали кузатиб боришади.

Шведлар пулни, масалан, болалар учун жамғариш ва йиғишга ҳаракат қилади. Айрим ота-оналар 16 ёшгача бўлган болалар учун тўланадиган (100 евро) нафақа пулининг барчасини ёки муайян қисмини боланинг ҳисобрақамига ўтказишга одатланган. Шунингдек, фарзандининг таваллуд айёмида унга инвестициявий жамғарма сертификатларини совға қилувчи ота-оналар ҳам учраб туради. Улар у қадар қиммат турмасе-да, вақт ўтиши билан уларнинг қиймати ортиб боради. 35-40 ёшлардаги швецияликлар даромадларининг бир қисмини расман ажратиладиган пенсия пулларига қўшимча равишда тўланишига хизмат қилувчи сармоя тўплашни бошлаб юборади.

ЯПОНИЯ

**25 ФОИЗЛИК ЖАМҒАРМА
МАБЛАҒЛАРИ**



Японияликлар – пул тўплашга ўч халқ вакилларидан бири саналади. Уларнинг фикрига кўра, инсонда доимо “қора кун”, масалан, бу давлатда тез-тез содир бўлувчи табиий офатлар оқибатини бартараф қилиш учун кўшимча маблағ бўлиши керак.

Ўрта ҳисобда японияликлар ҳар ойда ўз даромадларининг 20-25 фоизини сақлаб қўйишади. Банкка қўйилган омонат маблағларидан ташқари улар сугурта жамғармаларига пул йўналтиришга одатланган. Айнан шу боис оила бюджетидеги харажатлар қисмида уй-жой учун тўланадиган кредитлардан кейинги ўринда сугурта тўлови туради. Айтганча, қизиги шундаки, одатда Европадаги оилалар оила бюджетини биргаликда режалаштириб, муҳокама қиладиган бўлса, Японияда бу борадаги ҳолат бироз ўзгача. Яъни оилада эркак киши пул топади, уни сарфлаш, тақсимлашни эса аёллар ҳал қилади. Мисол учун, эркакларнинг кундалик харажатлари миқдорини аёллар белгилайди. Пулни тўғри тақсимлаш учун жорий харажат ва даромадларни акс эттириш (ҳатто тўлов чекларини ёпиштириш учун ҳам) мақсадида махсус дафтарлар ҳам тутилади.



БУЮК БРИТАНИЯ

ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР ҲАМ

Британияликлар ўз бюджетларини бир йил аввалданок режалаштиришни маъқул кўради. Уларнинг аксарияти ўз маошларининг тахминан 10 фоизини жамғариб қўйишга ҳаракат қилади. Пулларининг бир қисмини депозитлар кўринишида, яна қолган қисмини premium bond, яъни “ютуқли қимматли қоғозлар” – фоиз маблағи ютуқли жамғармага тўпланадиган ва ҳар ойнинг муайян кунинда мазкур қимматли қоғозлар эгалари ўртасида лотерея ўйнаб давлатнинг қимматли қоғозлари учун сарфлашади.

Бироқ хусусий мулкнинг нархи ҳатто кичик шаҳарларда ҳам қимматлиги боис ижара ва кредит тўловлари ҳамда коммунал хизматлар учун тўланадиган харажатлар даромаднинг катта қисмини ташкил этади. Қолаверса, бу давлатда деярли барча турдаги маҳсулотларни кредитга олиш имкониятининг мавжудлиги туфайли инсонлар ҳар ойда кредит фоизларни тўлаш билан банд бўлади. Айримларнинг даромадларини тўғри тақсимлай олмаганликларидан фойдаланган қарзларни гаров тариқасида сотиб олувчи компанияларнинг “ошиғи олчи” бўлиб бора-япти.

GERMANYA

ТўЛОВ ЧЕКЛАРИ “КОЛЛЕКЦИЯ”СИ

Яқинда ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра, бу мамлакат аҳолиси европалликлар орасида энг тежамкорларидир. Улар ўрта ҳисобда ойига 180 евро миқдорини, яъни даромадларининг тахминан 10 фоизини жамғариб боришади. Биринчи навбатда, улар фарзандларининг келажак ва пенсия жамғармаси учун маблағ тўплайди.

Айни пайтда германияликлар ўз жамғармаларини нафақат банклардаги ҳисоб рақамларида, балки қимматли қоғозлар шаклида ҳам сақлашади. Албатта, харажатлардан орттириб ортиқча маблағни тўплашга осонликча эришилмайди. Бунинг учун улар ўз бюджетларини синчковлик билан режалаштиради. Пулларнинг аксар қисми уй-жой ижараси ёки кредит фоизини тўлаш учун сарфланади (бу мақсадларга даромаднинг 50 фоизигача бўлган маблағ сарфланиши кузатиш мумкин). Кейинги погонани коммунал ва сугурта хизматлари учун тўловлар эгаллайди ва қолганини жорий харажатлар учун йўналтиришади. Масалан, оилада харажатлар қуйидагича бўлади: бир ойда тахминан 700 евро уй-жой учун, коммунал хизматлар учун 230 евро, сугурта хизмати учун тахминан 200 евро, озиқ-овқат учун 600 евро миқдорини маблағлар сарфланади. Даромадларнинг катта бўлмаган қисми автомобилга кетадиган харажатлар учун кетади. Мисол учун, автомобил кредит фоизини қоплаш учун ойига тахминан 250 евро, ёқилги ва жорий таъмирлаш ишларига 200 евро миқдорини тўлашади.

Германияликлар энг кам маблағни кийим-кечакка сарфлайди. Кўпчилик махсус чегирмалар эълон қилинишни интиқлик билан кутиди, сабаби бу пайтда кийимларни ҳатто 70 фоиз арзон нархларда харид қилиш имконияти мавжуд бўлади. Кийимлар эскириб, эгасига кераксиз бўлиб қолган вақтда уларни турли хил хайрия ташкилотларига совға қилишга одатланишган. Бироқ германияликлар ҳеч қачон маблағ тежамайдиган бир харажат борки, у ҳам бўлса таътил вақтида бориладиган саёҳат ҳисобланади.

FRANCIYA

ЧЕГИРМАЛАР ИШҚИБОЗЛАРИ

Францияликлар ҳам ишлаб топилган ҳар бир сўмнинг қадрига етадиган халқ вакиллариридир. Катта қийматли харидга тайёргарлик кўриш жараёнида улар ушбу маҳсулотга оид турли хил маълумотлар билан қизиқади, бозорни таҳлил қилади ва ҳатто бир неча таъминотчи ва сотувчилардан нархларга оид маълумотларни тўплайди.

Чегирмалар даврини улар “катта фойда” келтирувчи вақт сифатида қадрлайди. Сабаби бундай пайтларда маҳсулотларнинг нархи 80 фоизгача арзонлаштирилади. Французлар бу жараёнга анча илгари вақтдан бошлаб тайёргарлик кўради: дўконлардан мунтазам равишда “хабар олиб туришади”. Чегирмалар эълон қилиниши даврида айримлари ҳатто иш жойларидан таътилга ҳам чиқади. Бир сўз билан айтганда, у ёки бу усулларда тежамланган маблағни жамғариб боришади. Бу эса ўрта ҳисобда даромаднинг 10-15 фоизини ташкил этади.

Францияликлар маблағни иқтисод қилмайдиган бир харажат бор. У ҳам бўлса, таом, егулик учун сарфланадиган харажатдир. Давлат статистика қўмитаси берган маълумотларга кўра, мазкур мамлакат аҳолиси йиллик даромадининг 25 фоизини озиқ-овқатга, 20 фоизини уй-жой, 18 фоизини транспорт, 9 фоизини кийим-кечакка, 5 фоизини соғлиқни сақлаш ва кўнгличар мақсадларга йўналтиради.

AQSH

**КРЕДИТЛАРНИ МАЪҚУЛ КЎРУВЧИ
FUQAROLAR MAskANI**



Америкаларнинг онг-шуурига болалигиданоқ ҳисоб-китоб ишларида, шу жумладан, молиявий масалаларни ҳал қилишда инсон фақатгина ўзига таяниши лозимлиги сингдирилади. Шу боис АҚШ фуқаролари вояга етиш асносида ҳар бир нарсасига пул жамғаришга, наф келтирадиган бирор-бир тармоққа маблағни йўналтиришга одатланади. Аксарият америкаликлар пенсия даврида сарфлаш мақсадида пул йиғиб боради. Яъни ижтимоий таъминот жамғармасига йўналтириладиган бадал тўловларидан ташқари улар нодавлат пенсия жамғармаларига ҳам пулларини жойлаб боради. Улар фарзандларининг таълимини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратишади. Оилада фарзанд дунёга келиши ҳаманоқ улар махсус ҳисоб рақамини очади ва унда таълим учун маблағни тўплаб бошлашади.

Шу билан бирга, америкаликлар кўчмас мулкни харид қилишга интилади, сабаби улар бу билан яхши сармомони қўлга киритиш мумкин, деган фикрни илгари суради. Бироқ бу мақсадда кредит маблағига эга бўлишдан олдин мукаммал кредит тарихига эга бўлиш талаб этилади. Айнан шу боис кўпчилик инсонлар катта бўлмаган қийматли маҳсулотни кредитга олиб, белгиланган фурсатларда кредит маблағини қоплаш орқали мукаммал кредит тарихини “яратиб” олишга ҳаракат қилади.

Америкаликларнинг ҳар ойда сарфлайдиган жорий харажатларининг ўртача ҳажми ҳақида сўз юритилганида, уларнинг ҳажми кам бўлмаслиги ҳақида тўхталмасликнинг иложи йўқ. Энг катта миқдордаги харажат уй-жой ижараси учун ўрта ҳисобда 600-1000 АҚШ долларини ташкил қилади. Иккинчи ўринда тиббий сугурта (300-1000 АҚШ доллари), автомобиль учун сугурта тўлови (100 АҚШ доллари) туради. Озиқ-овқат учун 400-500, коммунал хизматлар учун 150-250 АҚШ доллари атрофидаги маблағ сарфланади. Америкаликлар кийим-кечак учун кўп маблағ сарфлашга одатланмаган.



Декабрь оғи яқинларга совғалар харид қиладиган палла. Айниқса, болалар янги йил байрамни орзиқиб кутишади. Чунки уларни арча тагида совғалар кутади-да. Ширинликлар, гаджитлар, ўйинчоқлар. Ота-оналар эса фарзандларининг истакларини амалга оширишга ҳаракат қилишади. Улар ўз имкониятидан келиб чиқиб, ҳеч бўлмаганда унинг битта орзусини амалга оширишга ҳаракат қилишади.

БОЛАЖОНЛАРНИ ҚАНДАЙ СОВҒА ХУРСАНД ҚИЛИШНИ БИЛАСИЗМИ?

Бироқ олимларнинг фикрича, бундай тадориклар нотўғрига ўхшайди. Уларнинг тадқиқотларига қараганда, болани бахтли қилишнинг бошқа усуллари ҳам бор экан.

Немис нейробиолог профессор Геральд Хютернинг таъкидлашича, ота-оналар ўртасида ўйинчоқлар ва ширинликлар сотиб олиш одат тусига айланиб қолган. Агар ота-оналар боланинг моддий талабарининг қондирсалар, бола дунёқарашининг руҳий-маънавий томонлари ривожланмай қолар экан.

Бу йўсиндаги совғалар болада шубҳали кўникмаларни шакллантиради. Улар боладаги истеъдод ва қобилиятларнинг ривожланишига тўсқинлик қилади, дея таъкидлайди Хютер.

“Болажонларга бизнинг қимматбаҳо совғамиз эмас, ўзимиз керакмиз. Улар билан бирга ўтказган мазмунли ва кувноқ дақиқалар уларга совғадан кўра кўпроқ таъсир ўтказади. Масалан, биргаликда спорт мусобақаларида қатнашиш, рақс тўгаракларида бирга рақс тушиш каби машғулотлар болажонлар онгда ижобий ҳиссиётли хотира қолдиради”, дейди олим. Тадқиқотчи ота-оналарга фарзандлари учун кўпроқ вақт ва эътибор ажратишларини билдиради.

Нейробиологлар исботлаганки, бола миясидаги фаол нейрон алоқалари аниқ ва реал шароитда мустақамланиб қолади. Шу ўринда айтиш мумкинки, болаларда ота-она ва яқинлари билан биргаликда кечган кечинмаларнинг аҳамияти жуда муҳим.

Болаларда тадқиқ этиш ва ижод қилиш завқи туғилган чоғиданоқ ато этилган бўлади. Моддий бойликларга ўчлик болаларнинг ижодий қобилияти ўсишига ҳалал беради. Улар совғани маълум вақт ўйнаб, охир-оқибат ташлаб юборади ёки бузиб ташлашади.

Профессор Хютернинг сўзларига қараганда, болалар билан бирга сайёҳат қилиш, маданий тадбирларда иштирок этиш, бирга нарсалар яшаш каби машғулотлар уларга ўйинчоқлардан кўра кўпроқ ижобий таъсир кўрсатиб, уларнинг маънавий ва маърифий ривожланишига туртки бўлади.

Асал ЗИЯДУЛЛАЕВА,
“Агробанк” АТБ ходимаси

ТурСтат туристик портали Россия давлатида ўрнатилган энг баланд арчалар рўйхатини эълон қилди. Рейтинги муаллифлари Красноярскдаги байрам дарахтини энг баланд ҳисоблашмоқда.

Бу арчанинг бўйи 55 метр. Уни 6 декабрь куни Татишев оролининг Шарқий қисмида жойлашган “Татишев парки”га ўрнатишди. Байрам арчасининг расмий очилиш маросими кеча 25 декабрь куни бўлиб ўтди. Шунингдек, янги йилнинг яна бир расмий белгиси бўлган бўйи 46 метрли арча Театр майдонига ўрнатилди.

Яна Екатеринбург шаҳрида ўрнатилган 50 метрлик, Казан шаҳрида 35 метрлик, Тула шаҳрида 32 метрлик, улардан кейинги ўринда эса Калининградда 30,5 метрлик, Уфада 30 метрлик, Пермда ҳам 30 метрлик, Владивостоқда 28 метрлик ва ниҳоят Тюмень шаҳрида 28 метрлик қиш маликалари бўлган арчалар ўз шаҳарларига кўр бериб турибди.

Россия мамлакатининг асосий арчасини 23 декабрь куни Кремлнинг Собор майдонига ўрнатилди. Кремль арчаси энг баланд арчаларнинг ўнлигига кира олмади. У рейтингнинг 11 поғонасида турибди. Москванинг арчаси бошқа арчалардан фарқи ўлароқ, у ҳақиқий тирик арча. Уни 13 декабрь куни Москва вилояти Можай шаҳар округидаги Бородин ўрмонидан кесиб олишди.

Яна шундай дарахт Уфа шаҳрининг бош майдонида яшнаб турибди. Уни Бошқирдистоннинг Блюговенский туманидан келтиришди.

ЭНГ БАЛАНД АРЧА



ди. Салавати майдонидаги 28 метрлик арча ҳам ана шундай “тирик” арчалардан.

Рейтингнинг 25 топлигига Воронеждаги 26 метрли арча, Санкт-Петербургда 25 метрли, Иркутскда 25 метрли, Самарда 25 метрли каби 25 та катта-кичик турли шаҳар арчалари жой олди.

Маълумот учун айтиш мумкинки, Кемеровский арчасининг нархи Кремль арчаси нархидан 3 маротаба қимматроқ, “РТ” агентлигининг таъкидлашича, унинг қиймати 18 миллион рублга баҳоланган.

Маҳаллий манбалар хабар қилишича, октябрь ойининг биринчи ярмида Беларусь Республикаси ҳукумати байрамлардаги дам олиш кунларини эълон қилганди. Бунга кўра аҳоли 2 январь куни дам олишлари учун ушбу иш кунини бошқа санага ўтказилиши керак эди. Кейинчалик эса фаоллар ҳукуматдан 31 декабрь ва 2 январни бошқа санага кўчирмасдан дам олиш куни деб эълон қилинишини илтимос қилишди. Бироқ ҳукумат бу истакни қўллаб-қувватламади. Натжида дам олиш кунлари юқоридагича қолди.

ЯНГИ ЙИЛДА БИР КУН ИШ

Белорусь Республикаси президенти Александр Лукашенко 2 январни байрам куни дея эълон қилди, деб хабар қилади Беларусь лидери матбуот котиби. Натжида 10 миллионлик аҳоли бор давлатда 1, 2, 4, 5, 6 ва 7 январь кунлари дам олиш кунлари бўлса, ўртадаги 3 январь иш куни ҳисобланапти.



ЯНГИ ЙИЛ ҲАҚИДА 27 ҲАҚИҚАТ

Янги йил жаҳоннинг деярли барча мамлакатларида энг севимли байрам ҳисобланади. Уни болалар ҳам, катталар ҳам бирдек ёқтиради. Айни пайтда ҳар бир мамлакатда уни ўзига хос тарзда нишонлашади. Бугунги сонда ушбу байрам билан боғлиқ урф-одат ва қизиқарли маълумотларнинг айримлари ҳақида сўз юритамиз.

1. Янги йил байрами ҳақида илк тунчалар эраимиздан аввалги III асрда Месопотамияда юзага келган.
2. Байрам арафасида арчани безаш одати Урта аср даврида замонавий Германия ҳудудида юзага келган.
3. 1 январь куни Янги йилни расман нишонлаш ҳақидаги буйруқ 1700 йилда Пётр I томонидан қабул қилинган.
4. 1700 йилнинг Янги йил кечасида Пётр I томонидан илк марта ракета учурилган.
5. Қорбобо тимсоли илк марта 1840 йилда адиб О.Одоевскийнинг “Ириней бобонинг эртаги” асарига тилга олинган. Унинг “илдизи” эса ривоятларга бориб тақалади.
6. 18 ноябрь – Қорбобонинг расми туғилган куни.
7. Қорқизнинг ватани Россия Федерациясидаги Кострома яқинидаги Шчеликово қишлоғи саналади.
8. Россия Федерациясида Қорбобонинг учта манзили мавжуд: Архангельск (1980 йил охиридан бошлаб), Чунозер қўрғончаси (1995 йилдан бошлаб) ва Буюк Устюг (1998 йилдан бошлаб). Бир неча йил аввал Мурманскда Қорбобонинг яна бир уйи топилди. Қорбобонинг яна бир ғойибона уй манзили Шимоллий кутб ҳисобланади.

9. Рус халқининг машҳур “В лесу родилась ёлочка” қўшиғи матни 1903 йилда Раиса Кудашёва томонидан ёзилган. “Арчажон” номли шеър илк марта “Малютка” (“Болажон”) нашрининг байрам сониде эълон қилинган. Икки йилдан сўнг эса бастакор Леонид Бекман ёрдами билан шеър қўшиққа айланди.
10. Янги йил байрамида тибетликлар доимо турли хил ширинлик ва пишириқларни тайёрлаш ва уларни ўтган-кетган инсонларга тарқатишга одатланган.
11. Илк ишшали арча ўйинчоқлари

12. Дастлабки байрам табрикномаси Англияда 1843 йилда пайдо бўлган.
13. Ёрқин электик безаклар биринчи бор 1895 йилда Оқ уй биносидан ўрин эгаллаган.
14. Испания ва Кубада ҳар Янги йил байрамида ўн иккитадан узум ейишга одатланишган. Бу одатни амалга оширишга улгурган инсонни Янги йилда бахт, омад ва муваффақият тарк этмайди, деб ишонадилар.
15. Мушакбозлик одати Осиеда пайдо бўлган.
16. Фарбада Санта Клаус номи билан аталуви байрам қахрамонининг Дэшер, Дэнсер, Прэнсер, Виксен, Комет, Кюпид, Доннер, Блитцен лақабли кийиклари бор.
17. Кипрда Қорбобони Василий деб аташади.
18. Японияда Янги йил байрамидан аввал омон сотиб олишга одатланишган. Уларнинг фикрича, омон уларга кўпроқ бахтни “ийгиб олишга” ёрдам беради.
19. Камбоджада Қорбобо ўрнига Жар Бобо исмли қахрамон ўйлаб топилган.
20. Чехияда Қорбобо образини Ми-

21. Қарийб 35 йилдан бери 31 декабрь куни МДХ давлатларида “Тақдир ҳазили ёки қушдек енгил бўлинг” бадиий фильми томошабинлар эътиборига ҳавола этилади.
22. Компьютер техникаси замонавий Қорбобо энг кўп совға қиладиган воситадир.
23. Бразилия пойтахти - Рио-де-Жанейрода баландлиги 77 метрга тенг, дунёнинг энг катта сунъий арчаси ўрнатилган.
24. 31 декабрь куни аксарият италияликлар деярли барча эски буюмларни ўз уйлари деразалари орқали улоқтирадилар.
25. Япониялик дўстларингизни байрам билан қутлаш учун “Akimashite Omedetto Gozaimasu” жумлаларини айтсангиз бўлди.
26. Санта Клаус болажонлар учун аталган совгани Швецияда печка атрофига қўйиб кетса, Германияда уларнинг жойи дераза тоқчаси, Францияда болалар оёқ кийими, Ирландия ва Англияда пайпоқ, Мексикада оёқ кийимда ҳисобланади.
27. Гренландия аҳли ўз яқинлари ва дўстларига муздан ясалган оқ айиқ ва морж фигураларини совға қилади.



Витторио БЕРСЕЦИО

ЙИЛНИНГ БИРИНЧИ КУНИ

Ҳар тонг жигарбандини куш қано-ти мисол аста уйғотгучи онанинг майин бўсаси Тангри ато этган неъматлар ичида энг жозибидир. Бошқа ҳеч нарса унга қиёс бўлмас – на самовий мусаффолик, на денгизнинг мовий кенглиги, ва на кўм-кўк далалар кўйнидаги жимлик, сукунат... Камина Берсеционинг ушбу мўъжазгина лаҳзаси орқали айни шу ҳол кўз олдимизда гавдаланган.

Айниқса, йилнинг илк кунинда шундай айём билан қутлаш учун фарзандини қалби қувончдан ҳаприқан ота қошига элтар чоғ бу янглиғ оилавий ҳузур-ҳаловат ичра онаизор юзида жилваланган табассум ҳаётдаги энг тотли ҳолат – гўдакнинг кўзларидан бутун хонадонга таралмиш шод-хуррамлик ҳамда дўсту биродаринг, қавму қариндошингни интиқ кутишимиз иборат кўнгилли яқинлик туйғуси ўлароқ ёзувчи қалбида чуқур из қолдирган.


Болакай улғайиб, йигит ёшига етганда эса гўё бари бой берилгандек, ўшал маъсуд кунларнинг кўрку таровати кейинчалик аллақандай ўкинч ҳиссига айланиб, охири сўнди. Чунки эски хотиралар ҳар йилги байрамлар чоғи янада маҳзун, янада аламли бир шамойилда муттасил,

бот-бот қайталангучи ўша оиладан вақт ўтиши билан кимлардир қазо қилди – аввалига бобо-буви, сўнг эса ота.

Одамзоднинг андак шодлиғу кулги орқасида ёришиб турган ва лекин адоқсиз кўз ёшлардан тўлиб-тошган қисқагина умри, кечмиши шундайки, дея хулоса қилади ёзувчи, уни тотувлик, меҳр-муҳаббат ҳамда оилавий хотиржамлиқина бало-қазою ҳаёт тало тўпларидан асрай олади.

Оҳ, ҳали гўдак чоғингиз онангизнинг ширин бўсаси айни шу кун уйқудан уйғотганику волидангиз ҳаяжондан тўлиб-тошиб қулаётган отангиз ҳузурига янги йилдаги илк салом, илк қутловни айтмоқ учун оғиб бораркан, Парвардигор томонидан болаларга берилган заминий армуғон бўлмиш айнан ўша зот сизни маҳкам кучганини тотли бир меҳр ичра наҳотки эсламайсиз?

Шу кунни ҳамма қанчалар кўркам, қанчалар хуррам, қанчалар хушхандон эди-я! Сизга тортиқ этилган совғалар, ойингизнинг ундан-да ёқимли эркалашларини дастурхон атрофида оилангиз жамлигидан тугилмиш ўша сурур, эҳтиросини айтмайсизми! Беғубор ва тизгинсиз қувончингиз ота-онангиз қалбида акс-садо бергани, шу боис бу туйғу уларнинг чеҳрасини мамнуният ҳиссию меҳр-муҳаббат нури-ла ёритгани (дарвоқе, буни ўшан-



даёқ сезгансиз) шундоқ ёдингиздадир. Оилавий дўсту биродарлар, ошна-оғайнилар, хеш-ақрабо, умуман, байрам нафасидан баҳра олаётганларнинг бари келгач, юз-кўзларида акс этган самимият ва дилкашлик ила уларнинг отангиз билан чин қалбдан, астойдил, хайрихоҳ кўл сиқишлари, ойингизга қилган илтифоту навозишлари ҳамда сиз учун аталган совға – уйинчоқ, ширинлик, чиройли суратлари бор китобча-чи...

Гарчи йилдан йилга ўзгарса-да, туйғулар изҳори энди заррача сусаймасди. Уни сиз алангалатардингиз. Бошқа та-

рафдан олганда, айни балоғат чоғингиз бошланган, ўз навбатида оилага муҳаббат туйғуси ўсмир қалби-ла тиллашмоқ учун гўдак тасаввурига мурожаат этишдан эндиликда чекинарди.

Кейинчалик яна шундай пайтлар келдики, шу куннинг севинчу фараҳига йиғисиги, ғам-андух омухта бўлди-ю, кўкдаги маъюс, эзгин ой ҳам оилангиз даврасига қайғу-алам оралатган, аммо азобу оғригининг санчиги қадар бормаёқ унга совуқчилик, нохушлик эмас, балки назокату латофат-ла лиммо-лим жиддият руҳини олиб кирган дарду ҳасратга тамоман чулғанди.

Таассуфки, бу ҳол бобо ёки амакингиз, ва умуман, хонадондаги қайсибир кекса кишининг уйингиз тўридаги одатий ўрни ҳувуллаб қолган чоғ юз берганди. Вақти етиб падарингизни-да ўз жойида қайтиб кўрмадингиз. Гўё унинг руҳи яқинлари теграсида парвона бўлиш учун қайтиб келгандек, ҳузур-ҳаловат дамларидан қолган хотиралар ўша кунни ёддан асло чиқмас даражада яна қайталанган эдики, бўм-бўш ўриндигига боққанча, айни шу жойни аллақачон тарқ этган кишининг хатти-ҳаракати, гап-сўзи, юриш-туришини муҳокама қиларак эслаб ўтиришар, лабдан гарчи ширин табассум аримаса-да, кўзлар гамли хотиралар боис ёшланганди.

Йиллар шу йўсин ўтаверади ва биз ҳам жиндек кулгию беҳисоб кўз ёшлардан иборат мана шундай ҳаёт йўлини босиб ўтаимиз. Бунда эса офату балолардан сақлагучи энг мустаҳкам қалқон тотувлик, оилавий хотиржамлик ҳамда меҳр-муҳаббатдир.

Мауриция Сакки ЖОВАННИНИ

ЯНГИ ЙИЛ ҲИКОЯСИ

Мана, Янги йилни у умрида илк марта пойтахтда нишонлайдиган бўлди. Дарвоқе, ўзи тугилган шаҳарчадаги аллақандай банкда анча йил ишлаб, хизматни ҳам ўринлатгани боис Аннага миннатдорлик тариқасида айнан пойтахтга кўчиб ўтишни таклиф этишувди. Шу боис у бу ерга келиб, чоғроққина бир уйга жойлашган эдики, ўша манзил кўҳна шаҳарнинг ҳар турли жозиб пушмоқларини хилват гўшаларидан ҳам кўриниб турарди.

– Кошки бу гал Янги йил кечаси тамоман ўзгача бўлса, янада файзли, янада фусункор бўлса... – дея хитоб қилди у бир чоғ тун оғушидаги улкан шаҳарга завқланиб боқаркан. – Ўша кунни уйга ойимниям, акамларниям чақирардим.

Шу йўсин Анна энтиқиб қўйдиди-да, байрамга тайёргарлик ишларидан қониққан кўйи мамнун жилмайиб, қайд қозонини тўлдирди. Эртасига эса ўзининг “қатъий ҳаракат режа”сига биноан ишга киришди-ю, яқинларига кўнғироқ қилиб, таклифини етказишу уларнинг розилигини олиш билан андармон бўлиб, тушлик вақтиниям ўтказиб юборди.

Дарҳақиқат, йилнинг айни шу сўнги кунларидида йўловчиларнинг ўтиб-қайтишию машиналар қатновидаги тезлик, шиддат ҳам ақл бовар этмас даражада эди.

У аввалига зиёфатга бюуртма берди. Шу тариқа бу борада биринчи муҳим қадам қўйилди. Энди энг ёқимли, кўнгилли машғулот – диванга янги болишлар қўйиб, зангор тус дастурхону биллур қадахлар билан уйни байрамонга бетишигина қолганди. Ахир йилнинг сўнги кунни тамоман ўзгача, яна ҳам тароватли, яна ҳам фусункор бўлсин-да.

Аммо шунда қачонлардир сўнган эса-да, ҳали-ҳануз унут бўлмаган севгисининг хирагина тажассуми қалбининг туб-тубида юз кўрсатди. Аслида Анна

ўзининг меҳр-муҳаббату яқинлик туйғусига ташна эканлигини билса ҳам, тушкунликка, ғам-ғуссага сира берилмас, шу боис бутун борлигини қатъият иштиёқ-ла касб-корига бахш этиб, ўзи учун мустақил бир ҳаётни қуришга эришганди. Дугоналару сайр-саёҳатларга, шунингдек, кўркам стадиондаги спорт уйинларига эса муҳтож эмас эди.

Анна 31-куни оқшом чоғи у-бу нарса харид қилиб, уйга қайтаркан, кираверишда дарвоза қорювали жаноб Карлога йўлиқди. Шунда ҳалиги киши “Хоним қиз, бу гуллар сизга” деди-ю, ифори кетган бир гулдастанини унинг қўлига тутқазди. Айтганча, ўша гулдаста ичида оқ атиргулу орхидеялардан ташқари бир мактуб ҳам бор экан.

– Буни гул сотувчи бир йигит бериб кетди. Менга фақат уни олганингиз учун имзо қўйдириш қолди, холос.

Анна юраги ҳаприқанча гулдастан оларкан, унда ўз исми-ни ўқиди – ҳа, ҳа, бу айнан унга аталган. Шунда у довидираб, бир мuddат ҳаракатсиз қолди.

– Хоним қиз, нима бўлди? Буларни оласизми ё ўзимда қолсинми?

– Йўқ, йўқ, уларни оламан, оламан... Лифт кетиб қолмасин.

Шундан сўнг у уйга кирди-да, сув идиши қаршида чўкканча ҳалиги гулларга боққан кўйи ўй-ланиб қолди. Шу гуллар ораси-

га қистирилган бояги мактубни ўқишга эса ботинолмай турди. Одатда тугилган кунда банкдаги ҳамкасблари унга гул юборишарди. Лекин бошқалардан ҳам шундай совгани олганмиди-йўқми, ҳозир эсполмади.

Анна бир култум сув ичди-ю, ниҳоят конвертни очди. Буни қарангки, уни шаҳардаги манаман деган ресторанлардан бирига кечликка таклиф қилишибди. Айни шу оқшом соат ўнда. Хатга “Пьетро” деб имзо қўйилган – фақатгина Пьетро. Фамилия эса ёзилмаган. Шунда у ҳаяжон ичра қавму қариндошлари, дўстлари, таниш-билишларини кўз олдига келтирди. Шу йўсин ҳатто банкнинг бош директори-гача ўйлайвериб (ҳолбуки уни фақат бир марта кўрган), чалқашиб кетди. Чунки уларнинг ичидида Пьетро дегани йўқ эди.

Анна маъюс тортиб қолди. Хўш, энди ўзларининг ўтириши нима бўлади? Бу ёққа келаятган яқинлари-чи? Янада гўзал, янада фусункор бўлиши лозим деб билгани шу айём учун шунча ташвишу югур-югур билан кўраётган тайёргарлиги-чи? Ахир уйи ҳам аллақачон байрамга шай бўлса, кўркамю шинам бўлса... Лекин шу пайт у китоб жавони тоқчасидаги суратга кўзи тушди. Бу – қачонлардир қазо қилган отасининг сурати... Хўш, ҳозир отажони бўлганда нима дерди? У албатта “Анна, қизим, сира тўхтама, ҳаммиша олға юр” деган бўларди.

Шу нарса ҳаёлидан бирров ўтди-ю, Анна ортик иккиланмай, телефон гўшагини кўтарди-да, қайнопасига кўнғироқ қилиб, нафаси бўзига тикилганча деди:

– Луиза...

– Ҳа, биз боряпмиз, боряпмиз, лекин йўл тирбанд, шунга...

– Йўқ, йўқ, гап бунда эмас. Биласанми, мени кечки овқатга таклиф қилишибди. Сира кутма-гандим. Шуни сенга билдириш учун телефон қилаётувдим. Ҳа, айни шу оқшомда... Ҳозир чиқиб кетаяпман... Бу ерда ҳамма нарса тайёр. Калитларни дарбонхонадан топасизлар. Кечлик у-бу нарса солинган халталар ҳам ўша ерда. Ҳаммини Янги йил билан табриклайман.

Анна шундай деди-ю, жавобни ҳам кутмай, гўшакни қўйди. Энди у тамоман ўзга хил тайёргарлик ишларига киришиб кетди. Либос танлаш, турли буюмлар... такси чақириш...

Соат ўндан ўтганда эса Анна ресторани бўсағасида эди. Бодоб, сертаклуф бир хизматчи уни қарши олди-да, ичкарига бошлаб боришни таклиф этди. Шу чоғ орқада бир киши кўринди – навозишу назокатли, сочи-га оқ оралаган, табассуми андак хижолат, андак айбдорлик ҳисси-ла йўғрилган... аммо суруру хушбахтлик туйғусига чулганган киши.

– Анна, келганингдан хурсандман. Раҳмат.

Шунда орага ўнғайсиз бир жимлик чўкди.

– Мен ахир Пьетроман, Пьетро Беттини, суғурта компаниясида бирга ишлардик-ку, банкка ишга ўтишигандан олдин... – деди яна ҳалиги киши.

Шундагина ўша одамнинг юз-қиёфаси секин-аста Аннанин кўз ўнгидида қайта гавдаланди... ва ахири қиз уни таниди.

– Анна, сенга айтадиган гапим кўп. Қани, ўтирайлик-чи.

Шундай қилиб иккови у-бу нарса ичгани ўтиришди. Пьетро кечмишидан сўзлай кетди... Суғурта компанияси, тўйи, ўғли ҳақида, хотинининг вафоти ҳақида... Сўнг ниҳоят, гап шунга келиб тақалди:

– Бирга ишлаган вақтимизда сенга қаттиқ боғланиб қолгандим, Анна, лекин сен менга

этибор бермасангиз. Мана, ҳозир мен ҳам шу шаҳарда яшаяпман. Банкда ўзингни кўрдим-у, сени танганимга шубҳа қилмадим. Кейин эса турмушга чиқмаганингни билиб, суюндим. Шундан сўнг сен билан гаплашишга, сени чақиришга чоғландим, аммо рад жавоби олишдан кўрққаним учун худди шу бирмунча сирлироқ усулни маъқул кўрдим.

– Борди-ю, келмасам нима бўларди? Ахир мен уйда оила билан бўладиган ўтиришни ташлаб келдим-а, Пьетронинг кимлигини билай деб!

– Алдаяпсан-а?

– Йўқ, йўқ, фақат ҳайрон қолганим, шунча йилдан кейин...

– Мени кечир. Биз энди аввалгидек ёш-яланг эмасмиз, лекин барибир қаршинда ўзимни шунчалар навиқрон сезаяпман... сени топганимдан шунчалар бахтиёрманки... Сени яна йўқотишни истамайман...

Шу он ҳис-туйғулар қалвори остида бир мuddат жим қолишди.

– Пьетро, сени уйга ўтиришимизга таклиф қилсам-чи, – дея Анна ўз ҳисларини илк бор изҳор этди.

– Оилангиз билан танишиш мен учун шараф бўларди...

Сўнг сабр-тоқатли, оғир-бошиқ Луизага қилинган оддий бир кўнғироқ, ресторани хизматчиси билан қисқагина мулоқот, омадлари келиб, йўл-йўлақай дарҳол бўш таксининг учрагани... ва хийла вақтгача йўлларнинг очиқ бўлгани, ҳамма жамулжам ҳолда янги йил шарафига қадах кўтаришлари учун Аннаникига кечикмай етиб олишганини эса айтишга ҳоҳат ҳам йўқ.

Хуллас, бу галги Янги йил кечаси тамоман ўзгача, янада гўзал, фусункор бўлди, ҳайрату умидлар кечаси бўлди.



Суғурта ҳақида қизиқарли маълумотлар:

– тарихдаги биринчи суғурта шартномаси 1346 йилда тузилган;

– кар-соқовлар кинеси актёри Бен Терпин суғуртанинг “экзотик” турларига бўлган модани очган биринчи мижоз бўлди. Ўтган асрнинг 20-йиллари бошида у ўз кўзларини 20 минг АҚШ долларига суғурталаган;

– инглиз футболлисти Дэвид Бэкхем оёқларини 70 АҚШ долларига, россиялик кўшиқчи Земфира эса, бармоқларини 170 АҚШ долларига суғурталаган;

– ирландиялик раққос Майкл Флэтлиннинг оёқлари Гиннес рекордлар китобига кўра, энг чаққон ҳисобланиб, улар 25 млн. АҚШ долларига суғурталangan;

БИРИНЧИ СУГУРТА ШАРТНОМАСИ...

– 1 млн.долларга овозни биринчи суғурталаган Марлен Дитрих бўлиб, ҳатто қиймати ҳам ўша давр учун ақл бовар қилмас даражада катта ҳисобланган. Род Стюарт ўзинг хирилдоқ овозини, атайлаб даволаб, тоза қилиб қўйишмаслиги учун 6 миллион долларга баҳолаган! 2002 йилда ҳаттоки Россияда ҳам суғурталangan овоз пайдо бўлди, бундай шартномани 2 млн.долларга Николай Басков ўз овозини суғурталаш орқали тузган;

– дунёдаги энг қиммат суғурта полиси америкалик режиссёр Стивен Спилберга тегишли, унинг ҳаёти 1,2 млрд.АҚШ долларига суғурталangan;

– таниқли цирк промоутерлари ака-ука Ринлинлар уларнинг томошаларида иштирок этувчи фил ва каркидонни касаллик оқибатида ҳалок бўлиши ёки ишга лаёқатлигини йўқотишидан суғурта қилишган. Бу тадбиркорларга ўз ходимлари учун жонкуяр бўлишлари учун намуна бўла олади;

– бир қизиқ табиатли галати киши аввалдан 100 минг фунтга суғурталаниб, ҳаммомда Ла-Манш бўғозини сузиб ўтмоқчи бўлди. Андеррайтер иккиланмасдан, фақатгина ҳаммомдан сув оқиб кетиш тешигини қопқ билан ёпиб қўйиш шартини билдириб, бу хатарни қабул қилди;



Реклама

«UZAGROSUGURTA»
JOINT STOCK COMPANY

"Ўзагросуғурта" АЖ жамоаси барча юртдошларимизни кириб келаётган 2020 йил билан муборакбод этади.

Янги йил халқимиз учун тўкин-сочинлик, фаровонлик, тараққиёт йили бўлсин. Хонадонларимиздан файз барака, тинчлик-хотиржамлик аримасин.

2020 йилингиз қутлуғ бўлсин!

Реклама урнида

– дунёдаги энг катта тамаки узунлиги сал кам 4 метр ва оғирлиги 110 килограмм бўлиб, у Лондонда ташкил этилган кўрғазмаларни бирида экспонат тарзида қўйилган ва суғурталangan бўлиб, ҳаттоки суғурта мукофоти бор-йўғи 50 пенсони ташкил қилган. Тамаки эгасининг таъкидлашича, балки бу уни чекиб тугатишга 339 кеча-кундуз кетишигадир;

– Небраскилик бир уддабурон автомашиналар сотувчиси, ким ундан декабрь ойида автомашина сотиб олиб, уни Рождество байрамида устини қор парчалари тўкилган тарзда тақдим этса, унга 10 минг доллар миқдорда мукофот тўлашини эълон қилди;

– британияликларни ҳар хил турдаги қизгин тадбирларга интилишлари шунчалик кучлики, ҳатто “Ллойд” икки ёки ундан ортиқ ходимларни миллий лотореяда ютиб чиқиш ҳолатида иш берувчи учун махсус суғурта полиси ишлаб чиқди. Бу полис бўйича суғурталовчи иш берувчига рекрутлик агентлигининг хизматлари харажатларини қоплаб беради;

– бир қатор ғайриоддий суғурталар бизнес билан боғлиқ бўлиб, ҳаттоки улардан баъзилари экзотикадан оддий амалиётга айланяпти. Агар, тадбиркорни тартибга солувчи ташкилотлар тегишар учун унинг компаниясини танлашса, аудиторлик хизматиға кетказган харажатларини қоплайдиган суғурта турлари ҳам мавжуд;

– Россия суғурта компанияларидан бири 2006 йилнинг ёз ойида ингичка (шпилька) пошналарда югуришни суғурталади. Иштирокчилар Россиянинг тўрт шаҳрида 100 метрлик масофани 9 сантиметрлик пошнада босиб ўтишлари керак эди;

– ҳар хил турдаги томоша ва аттракционларни ўтказишда кўзда тутилиши мумкин бўлган вазиятлардан суғурталаш кенг тарқалган тажриба ҳисобланади. Масалан, “Ллойд”да биринчи кўчли товушга эга бўлган автомашина суғурталangan. Полис Наведага катта метеорни ташишдаги ва уни полигонда бўлган вақтидаги ҳамда учувчини бахтсиз ҳодисалардан суғурталаш бўйича барча қалтисликларни қоплаган. Қизиги шуки, суғурта фақатгина двигатели учирилган машиналарга қўлланган. Бу билан суғурталовчи ҳаракатланиш вақтида тезликни оширишда шубҳали тажрибалар бўйича мажбуриятни ўзидан соқит қилган;

– Наганода россиялик спортчиларни ва Жаҳон ёшлари Олимпия ўйинлари иштирокчиларини, ҳам маҳаллий ҳам хорижий суғурта компаниялари суғурталашган;

– жанубий африкалик актриса Керри Уэллис, “Стартрек” номли фильмида суратта тушиш учун сочини калга олдиришга мажбур бўлган ва шу муносабат билан сочини қайта ўсиб чиқмай қолишидан суғурталаган.



Infin BANK

2020

Янги йил билан!

Хизматлар лицензияланган



Азиз муштарийлар!

“Банк ахборотномаси” газетаси узоқ йиллардан бўён сиз билан Янги йилни бирга қаршилаб келмоқда. Шу давр мобайнида нашримизга обуна бўлиб, бизнинг мухлисимизга айланганингиздан ғоят мамнунмиз. Бу ҳамкорлигимиз узоқ йиллар давом этган ҳолда Янги йилда ҳам ушбу нашримизга обуна бўлиб, биз билан юзлашиниңиздан умидвормиз!

Шундай шукуҳли кунларда яқинлашиб келаётган Янги йил хонадонларингизга қут-барака, файз ва осудалик олиб келсин, деб Яратгандан сўраб қоламиз. Бошланажак янги йил барчангизга оилавий қувонч, бахт ва омадлар билан келсин!

Шуни унутмангки, “Банк ахборотномаси” бу – сизнинг газетангиз.

Таҳририят



БАНК АХБОРОТНОМАСИ

АХБОРОТ-ТАҲЛИЛИЙ ГАЗЕТА

ҲАМКОРЛАРИМИЗ ВА МУАССИС
Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки
Ўзбекистон Республикаси Банк-молия
академияси
“Moliya yangiliklari agentligi” МЧЖ

Директор
Ўктам АБДУЛЛАЕВ

Бош муҳаррир
Бобур МУҲАММАДИЕВ

Бош муҳаррир ўринбосари
Умида ХУДОЙБЕРГАНОВА

Обуна ва реклама учун
Тел: 99897 776 60 18
71 234 43 18
Факс: 71 234 43 18
Нашр индекси-102.

Ахборот кўмаги
Ўза, “Norma Hamkor” МЧЖ

Таҳририят манзили:

100060. Тошкент ш., Шаҳрисабз кўчаси,
23-уй e-mail: bankaxborotnomasi@mail.ru,
www.banknews.uz телеграм каналимиз
@bank_axborotnomasi
Чоп этишга тайёрловчи: “Moliya yangiliklari agentligi”
МЧЖ
Газета таҳририятининг техник ускуналарида саҳифаланди.

Таҳририятнинг фақат ёзма розилиги билан “Банк ахборотномаси” да эълон қилинган материалларни кўчириб босишга ижозат берилмади. Қўлёзмалар такрир қилинмайди ва қайтарилмайди. Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2012 йил 10 январда 0065-тартиб рақами билан руйхатга олинган. Газета ҳафтада бир марта – пайшанба куни чиқади.

Буюртма № г 1203
Адади 1706 нусха
Нархи шартнома асосида.
Газета А3 ҳажмда, 4 шартли босма табоқда чоп этилди.
Босишга рухсат этилди: 25.12.2019 й.,
1 2 3 4 5

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент ш. Буюк Турон кўчаси, 41-уй.